БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 142 (17.424). ● 23 июнь 1979 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГАМИЗ

Мард майдонда синалади, — дейди халқимиз. Дўстим Жумабой Жабборов, сизни социалистик мусобақага чақириб, беллашишга қарор қилдим. Биламан, сиз районимизда донгдор механизаторлардан саналасиз. Утган йилги пахта йиғим-терими мавсумида пўлат агрегатингиз билан 260 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб бергансиз. Демак, сиздай моҳир механизатор билан беллашиш осон эмас.

Энди ўзим меҳнат қилаётган бригадада олиб борилаётган ишлардан сизни хабардор қилмоқчиман. Азиз дўстим, мен республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Октябрь Революцияси нишондори, коммунист Ражаббой Султонов бригадасида механизаторлик қиламан. Баҳор кунларида рўй берган оғир об-ҳаво шароитларида мардонавор меҳнат қилиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилиб олдик. Узингизга маълум, ҳаво юришиб кетмаяпти, ниҳоллар керакли миқдорда иссиқликни олганича йўқ. Бригадамиз коллективи ғўза ривожидаги кечикишни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Аввало биз ғўза қатор ораларида чуқур культивация ўтказишга, культивация билан бир вақтда ғўзаларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шахсан мен ўзим ҳар куни 6—7 гектар пахтазорда ана шундай юмушларни бажараётирман. Ишда суръат ва сифатга алоҳида эътибор бериш бригадамиз ҳар бир аъзосининг виждоний бурчига айланган. Ғўза қатор ораларига уч марта ишлов бердик, озиқлантирдик.

Хўш колхозингиз бўйича ишлар қандай бормоқда, деб сўрарсиз? Коллективимиз аъзолари 960 гектар майдондаги ғўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Барча ишлар бир группа донгдор пахтакорларнинг «Ғўзаларнинг [illegible]мал олишини тезлаштирайлик!» сарлавҳали даъваткор мактубида айтилган қимматли фикрлар асосида олиб борилаётир. «Азамат пахтакорларимиз қийинчиликлар, табиат ўжарликлари олдида ҳеч қачон эсанкирамаганлар, саросимага тушмаганлар, ваҳимага берилмаганлар, — дейилади мактубда. — Аксинча, ҳар доим партия ташкилотлари атрофига метиндек жипслашиб, табиий офатларни қаҳрамонларча енгганлар, пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб, план ва социалистик мажбуриятларни бажарганлар, қон-қардош халқлар олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан адо этганлар, пахтакорлик номини шон-шуҳратларга буркаганлар».

Хамкасб дўстим, Жумабой Жабборов, мактубдаги ана шундай даъваткор сўзлар, беҳад қимматли фикрлар ҳаммамизни зафарларга чорлаётир.

Хўжалигимиз бўйича гектаридан пландаги 44,5 центнер ўрнига 50 центнердан пахта хирмони кўтаришга қарор қилинган. Ғўза парвариши ана шу юксак мажбурият асосида олиб борилмоқда. Далаларимизда 1 минг кишидан зиёд кекса-ёш унумли меҳнат қилмоқда. Ғўза қатор оралари юмшатилмоқда, бегона ўтлар таг-томири билан йўқотилмоқда, зарарли ҳашаротларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмаётир. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар шонага кира бошлади.

Бригадамиз аъзолари бу йил гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилганлар. Колхозимизда улкан хирмон учун кураш олиб бораётган коллективлар оз эмас. Ленин ордени кавалери, коммунист Эгам Собуров бошлиқ бригада шулар жумласидандир. Бу бригада аъзолари 61 гектар майдондаги ғўзани юксак агротехника қоидаларига, илғорлар тажрибасига қатъий риоя қилган ҳолда парвариш қилмоқдалар. Бу ишда моҳир механизатор Сафарбой Кенжабоев алоҳида ўрнак кўрсатаётир. У ҳар куни ўз агрегати билан 6—7 гектар майдондаги ғўзага сифатли ишлов бермоқда.

Колхозимиз баҳодирлари ҳар йили 40—50 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиб келмоқдалар.

Шу кунларда колхозимиз пахтазорларида 32 та культиватор унумли ишлатиляпти, сифат ва суръатга алоҳида эътибор бериляпти. Азамат ҳамкасбларимиз ғўза парваришида байроқдорлик қилишмоқда. Улар қаторида ишлаётганлигимдан хурсандман.

Азизим, Жумабой Жабборов! Далаларимизда мўл пахта ҳосили пишиб етилгунича ўз агрегатим билан кенг майдонларда унумли меҳнат қилиш — қатъий қароримдир. Пахта йиғим-терими мавсумида эса «зангори кема» билан камида 300 тонна «оқ олтин» териб бераман.

Келинг, мусобақалашайлик, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга оширишда фаоллик кўрсатайлик.

Олланиёз ЖУМАНИЁЗОВ,
Беруний районидаги Киров номли колхоз механизатори.

МУСОБАҚА КОНКРЕТ БЎЛСИН

Ҳамкасб дўстим Олланиёз Жуманиёзов! Менга йўллаган мактубингизни ўқиб чиқиб, беҳад хурсанд бўлдим. Хат орқали колхозингизда амалга оширилаётган ишлардан, захматкаш механизатор ва деҳқонлар қўлга киритаётган зафарлардан хабардор бўлдим. Бунинг учун Сизга катта раҳмат!

Ҳурматли дўстим, биз ҳам ғўза парваришини донгдор пахтакорлар мактуби асосида ташкил этмоқдамиз. «Культиваторларнинг ишчи органлари мукаммал бўлсин, қатор оралиғини кенгрок ва чуқурроқ қамраб олсин, тупроқ ғўзаларнинг бўғзига қадар юмшатилсин. Чопиқ тракторларини икки сменада ишлатиш, культивация билан бир қаторда ишнинг бир неча турлари — ғўзаларни озиқлантириш, жўяк олиш, ҳашаротларга қарши дори сепиш ва бошқа ишларни бажариш керак», — дейилади мактубда. Хўжалигимиз механизаторлари бу қимматли маслаҳатга қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Узингизга аён, хўжалигимиз райондаги пахтадан юқори ҳосил етиштирувчи колхозлардан биридир. 600 гектар майдонда ўстирилаётган ғўзанинг ҳар гектаридан пландаги 45,8 центнер ўрнига 58,5 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилганмиз. Шундай қилиб, ялпи пахта хирмонимиз 3500 тоннани ташкил этади. Бу осонликча амалга ошириладиган иш эмаслиги ҳаммага равшан, албатта.

Аввало шуни мамнуният билан айтиб ўтмоғим керакки, катта қийинчиликлар билан бўлса-да, гектарларда кўчатлар тўла бўлишига эришдик. Еғингарчилик оқибатида ҳосил бўлган қатқалоқ ва бегона ўтлар бартараф этилди.

Ҳурматли ҳамкасб дўстим Олланиёз Жуманиёзов! Менга йўллаган мактубингизда: «Ҳаво юришиб кетмаяпти, ниҳоллар керакли миқдорда иссиқликни олгани йўқ. Бригадамиз коллективи ғўза ривожидаги кечикишни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Аввало биз ғўза қатор ораларида чуқур культивация ўтказиш, культивация билан бир вақтда ғўзаларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз», — деб ёзибсиз. Жуда фойдали тадбир бу. Сизларнинг ана шу тадбирларингиз бизларга ҳам қўл келмоқда.

Колхозимиз пахтазорларида 20 та культиватор икки сменада ишлаб турибди. Культивациянинг чуқур ва сифатли ўтказилиши таъминланмоқда. Шу билан бирга ғўзалар майдаланган маҳаллий ўғитлар ва минерал ўғитлар билан озиқлантириляпти. Бу ўсимликнинг тез ривож олишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳурматли дўстим! Ўзим ва бригадамиз ҳақида қисқача сўзлаб ўтмоқчиман. Мен коммунист Нуриддин Юсупов бригадасида ишлайман. 41 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 60 центнердан пахта ҳосили олишга аҳд қилганмиз. Икки марта чуқур культивация ўтказилиб, маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирилган ғўзаларимиз шоналаб қолди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, сувга талаб бўлган майдонларни суғориш омилкорлик билан олиб борилмоқда. Уз агрегатим билан ҳар куни 6—7 гектар майдондаги ўсимликка чуқур ишлов бермоқдаман.

Шу ўринда колхозимиздаги пешқадам бригадалар ҳақида ҳам бир оз гапирмоқчиман. Коллективимизда кўп центнерчилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Тажрибакор деҳқон, қатор орденлар нишондори, коммунист Эгам Камолов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунист Абдулла Рейимбоев, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори, коммунист Йўлдош Сейтаков ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг коллективлари мўл «оқ олтин» олиш учун курашмоқдалар.

Колхозимизда янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан экин майдонларини йил сайин кенгайтириб боришга катта эътибор берилаётир. Бунинг ҳисобига янги бригадалар ҳам ташкил топмоқда. Коммунист Шермат Аннамуродов етакчилик қилаётган кичик коллектив бунга мисол бўла олади. Тўрт колхозчи ва бир механизатордан иборат бўлган бригада 40 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш — уларнинг қатъий қарорлари.

«Сув зар — сувчи заргар», — деган ҳикматли гап бор. Чиндан ҳам шундай. Колхозимизда заргарлардек миришкор сувчилар оз эмас. Тўли Тиловбоев, Урозали Тожиев, Қозоқ Бебишев, Карим Қорабоев, Ялғош Қорабоевлар ана шундай кишилар жумласидандирлар. Улар ғўзаларни суғоришни омилкорлик билан олиб боришяпти.

Механизатор дўстим Олланиёз Жуманиёзов! Мени мусобақага чақирганингиздан хурсандман. Бунга жавобан ғўза парваришида ҳамда пахта йиғим-теримида фаол қатнашаман, «зангори кема» билан ўтган йили 260 тонна пахта терган эдим, бу йил эса 300 тонналик хирмон уймоқчиман.

Жумабой ЖАББОРОВ,
Беруний районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхози механизатори.

МЎЛ ОЗУҚА ЖАМҒАРИЛМОҚДА

7800 тонна дағал хашак, 900 тонна пичан, 2000 тонна сомон тайёрлаймиз, 5000 тонна сенаж, кўплаб силос бостирамиз. Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз чорвадорларининг аҳди шундай. Улар мажбуриятларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. 800 гектар майдоннинг бедаси ўриб олинди, ҳосилдорлик гектар бошига биринчи ўримдаёқ 70 центнерданга тўғри келди.

Далаларда 12 беда ўриш, 20 га яқин пичан тўплаш ва ғарамлаш механизмлари узлуксиз ишлатиляпти. Механизаторлардан Жалол Мирзаев, Холдорали Фазлиддинов, Маъмур Бозоровлар кунлик графикни анча ошириб бажармоқдалар. Урилган беда чорва бинолари ёнига гарамланяпти.

Райондаги «Учқўрғон» совхози, Охунбобоев номли, «Москва», «Ленинград», «Андижон» колхозларида ҳам бир йилда икки йиллик план миқдорида ем-хашак тайёрлаш учун бошланган мусобақа тобора кучайтириляпти.

Т. НАЗИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қизилқумнинг улкан гази

Саҳрода Ўзбекистон ёнилғи энергетикаси ва газ химиясининг йирик объекти қурилмоқда.

БИРИНЧИ САҲИФАГА РЕПОРТАЖ

Муборак газни қайта ишлаш заводи корпуслари узоқдан қайноқ қум устига қурилган сароб сингари кўринади. Аммо унга яқинлашганингиз сари ҳалиги «сароб» тобора аниқ шакл ола бошлайди. Трубопроводлари бир-бирига чирмашиб кетган технология колонналари, эстакадаларнинг ажойиб-ғаройиб шакллари аниқ-равшан кўринади.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон корхоналари ер ости конларидан кўплаб тозаланган табиий газ қазиб олиб, уларни Бухоро—Урал ва Ўрта Осиё—Марказ трубопроводлари орқали жўнатиб турибди. Бу ерда «қўшимча» маҳсулот сифатида энг тоза олтингугурт олинмоқдаки, унинг чангида кўплаб ишланмаган газ мавжуд. Бу ердан истеъмолчиларга ҳар йили юз минг тонналаб минерал ўғит ишлаб чиқарувчи индустриянинг ҳақиқий нони, химия ва резина-техника ишлаб чиқаришининг муҳим таркибий қисми бўлган сариқ кукун жўнатилади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи газ химиясининг чинакам гиганти — «Союз» газопроводи сарчашмасида турган Оренбург газни қайта ишлаш заводининг тимсоли бўлди. Ҳозир Қизилқумдаги бу корхона қайтадан дунёга келмоқда.

... Эрта тонг. Соат миллари еттига яқинлашмоқда. Қуёш эса аямай қиздирар, бундай шароитда қурувчиларнинг қандай ишлаётганини, план топшириқларини бажарибгина қолмай, ошириб адо этаётганликларини беихтиёр ўйлаб кетасан киши.

— Шу ҳам иссиқ бўлдими? — ажабланиб сўради бульдозерчи А. Недожогин. — Уттиз даражадан сал-пал ошган холос. Деярли шамол йўқ. Одатдаги об-ҳаво. Сизнинг омадингиз келган экан.

— Қум шамоли бир кўтарилса борми? — унинг сўзини илиб кетди экскаваторчи Г. Давлетшин, — унда нафас олиб бўлмайди. Аммо қурилишни тўхтатишнинг иложи йўқ.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигига қарашли Ўрта Осиё бинокорларининг зиммасига катта ишлаб чиқариш программаси юклатилган. Беш йиллик тўртинчи йилининг ишга тушириладиган комплексига йилиг- бир неча миллиард куб метр газни қайта ишлай оладиган учта қудратли блок, 300 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқариладиган қурилма, қуввати 900 миллион куб метрли Учқур конидаги бош иншоотлар, 60 километрли Денгизкўл—Хаузак—Муборак газ қувури киради. Газли, Ғаллаорол ва Чиноз компрессор станциялари қувватини ошириш, Денгизкўл—Хаузак конида газни комплекс тайёрловчи қурилмани барпо этишни авж олдириш, Шўртан — Сирдарё ГРЭСи газопроводини ёткизишни жадаллаштириш керак...

Қурилиш бир неча юз квадрат-километр майдонга қулоч ёзган. Аммо «Бухорагазпромстрой», «Средазнефтегазмонтаж», «Наипгазстрой», «Средазнефтегазстрой» трестлари ва бошқа ташкилотлар коллективларининг асосий куч-ғайрати газни қайта ишлаш заводи объектлари ва унга туташ конлар қурилишини тугаллашга қаратилган. Улар учинчи ва тўртинчи кварталларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланганидан кишилар ҳар бир соат, ҳар бир дақиқани ғанимат билмоқдалар.

Қурилишларда банд бўлган ҳамма кишиларга, айниқса, тупроқ қазувчи механизаторларга қийин. Саҳро ҳар қадамда улар олдига тўсиқ қўяяпти. Майда қум шу қадар кўчувчанки, у экскаваторлар чўмичидан тўкилиб, бульдозерлар «пичоғи» тагига тўшалади. Шамол билан кўтарилиб, чанг-тўзонга айланади. Аммо, механизаторлар бархан қумларини жиловлашни ўрганиб олишган. Г. Давлетшин бошлиқ экскаватор экипажи, А. Недожогин етакчилигидаги бульдозерчилар бригадаси аъзолари ўнлаб ҳамкасблари сингари шу кунларда август ойи ҳисобига ишлашяпти. Бу билан эса бетончилар, пайвандчилар, монтажчиларга иш фронти яратилмоқда.

...А. Пузиков бошлиқ илғор экипажнинг трубовозлар колоннаси қуюқ қора чанг-тўзон кўтариб, газопровод трассаси бўйлаб бормоқда. Саҳро кенглигининг маккорлиги бор: бу ерда, қаерга хоҳласам ўша ерга бораман, деган гап унча тўғри келмайди. Баъзи жойлардаги қумлар шунчалик юмшоқки, у ботқоқдан бадтар. Экипаж командири машиналар ҳаракати учун ўзига хос «лоция» тузиб чиқди. Унда энг қулай, шу билан бирга энг қисқа маршрутлар танланди. Натижада машиналар белгиланган манзилга смена давомида қўшимча равишда икки ва ҳатто уч мартадан ортиқроқ бориб келди.

Пайвандчилар ҳам иш муддатларини қисқартириш учун бошланган мусобақага ўз ҳиссаларини қўшишди: келтирилган барча қувурларнинг ҳаммаси ўша заҳоти ишга солинади. Айрим қувурлар 30 метрли секцияларга пайванд қилинадиган стендда П. Золотов бошлиқ коллектив энг яхши натижаларга эришди.

Муборак комплекси қурилишида кўплаб илғорларнинг — монтажчилар, бетончилар, механизаторларнинг номини айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон «зангори олов»и индустриясининг янги корхоналарини ишга тушириш муддатини яқинлаштириш учун план топшириғини ошириб бажаришга интилмоқда.

Б. ЛЬВОВ,
СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги матбуот марказининг мухбири.
Ўзбекистон ССР.

(«Известия», 1979 йил 22 июнь).

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЮКСАК САМАРАЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 22 июнь куни Тошкентда очилган йиллик умумий йиғилишида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисидаги масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқовнинг кириш нутқида, 1978 йилда қилинган тадқиқотлар тўғрисида ахборот берган академия президиумининг бош илмий секретари Ҳ. Н. Боймуҳамедов докладида республика илмий штаби, унинг кўпдан-кўп муассасаларининг беш йил ичидаги тадқиқотчилик ва ташкилотчилик фаолияти якунлари анализ қилиб берилди.

Йиғилиш қатнашчилари келтирган мисоллар республика илмий муассасаларининг коллективлари партия XXV съезди қарорлари муваффақиятли бажарилиши учун, беш йиллик топшириқлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида ўртага қўйилган вазифалар амалга оширилиши учун умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшаётганликларини кўрсатади. Тадқиқот ишларининг кўламлари анча кенгайтирилди ва сифати оширилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари бутун мамлакат олимлари билан биргаликда муваффақиятли ва самарали ишлаб, илмий тадқиқотлар интеграциясини ривожлантиришда, умумиттифоқ ва республика илмий-техника проблемаларини ҳал этишда актив қатнашмоқдалар. Улар республикада пахтачиликни, химияни, рангли металлургия, зилзилага бардошли қурилишларни, халқ хўжалигини бошқариш системаларини автоматлаштиришни ривожлантириш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, турли конструкциялар ва приборлар яратиш вазифаларини бажариш билан боғлиқ комплекс программаларни амалга ошириш учун кўп иш қиляптилар. Ўзбекистон ССР бўйича узоқ даврга мўлжалланган илмий-техника тараққиёти комплекс программаси ва унинг социал-иқтисодий оқибатлари академия 1978 йилда ниҳоясига етказган энг муҳим ечимлар жумласидандир. Бу иш В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими, 60 та тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, кўпгина министрликлар ва идораларнинг иштирокида амалга оширилди.

Олимларнинг эришган муваффақиятлари шубҳасиз бўлса-да, қилинган ишларга партия XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг бундан кейинги Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида баён қилинган юксак талаблар асосида баҳо берилганида, илмий муассасалар ихтиёрида бўлган имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Сўзга чиққанлар ана шу фикрга қўшилиб, академия республикада илм-фаннинг координатори сифатидаги планларини ҳали тўла йўсинда амалга оширмаётганлигини айтиб ўтдилар. Институтларнинг илмий-ишлаб чиқариш ва экспериментал базаларини ташкил этишда, илмий кадрлар, айниқса фан докторларини тайёрлашда камчиликлар бор. Республика бутун мамлакат олдида турган жуда муҳим халқ хўжалик вазифаларини амалга оширишда академия илмий муассасаларининг ролини янада юқори кўтариш лозим. Академия президиуми ишлаб чиққан 1979 йилги илмий тадқиқот ишлари плани айни шуни кўзда тутади.

Йиғилиш қатнашчилари шимолий дарёлар сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга ташлаш борасидаги улкан лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик бошланганлиги республика олимлари зиммасига кўп вазифаларни юклайди, деб таъкидладилар.

Илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар йиллик мажлис минбарида айниқса кескин қилиб қўйилди. Кўпгина нутқларда ишнинг муваффақияти кашфиётлар миқдори ва салмоғи билангина эмас, шу кашфиётлар халқ хўжалигига жорий этилиши билан ҳам белгиланади, деган бир фикр билдирилди. Кейинги вақтларда илмий изланишлар самарадорлиги ошди. Ҳисобот давридаги беш йил ичида тугалланган тадқиқот ишларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара 1 миллиард 600 миллион сўмдан ошиб кетди. 1978 йилнинг ўзидагина 126 иш натижалари халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилди, яна 27 иш жорий этиш ва тажриба — ишлаб чиқариш синовларидан ўтказишда босқичида турибди. Аммо жорий этиш планини тузишга ҳамма институтлар ҳам тўлиқ ва ҳамиша жиддий ёндашиб келяптилар, деб бўлмайди. Илмий изланиш натижалари лаборатория-тажриба-саноат текшируви — кенг кўламда амалий фойдаланиш учун тармоққа чиқиш принципи бўйича жорий этиш системаси ҳали етарлича ривожланмаган. Академиямиз айрим институтлари ўз тадқиқотларини ишлаб чиқариш муҳим қўшимчалар киритмай, дарҳол қабул қила оладиган босқичга қадар етказмаяптилар.

Йиллик мажлис қабул қилган қарорда академиянинг бутун фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилган тадбирларни белгилаб берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ҲАМКОРЛИК ДАВРИ

22 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида «Атроф-муҳитнинг ҳуқуқий муҳофазаси» мавзуида ўтказилган Совет — Америка икки кунлик семинари ўз ишини тугатди. Унда АҚШ юстиция министри Г. Белл бошчилигидаги Америка юристлари уюшмасининг делегацияси қатнашди.

— Биз Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида эришган катта ютуқларини, дарё, ўрмон, дашт, ҳаво муҳофаза қилинаётганлигини билдик, — деди журналистлар билан суҳбатда АҚШ юстиция министри Г. Белл.—Бу семинар табиатни муҳофаза қилишда, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишда муайян наф келтиради.

АҚШ юстиция министри КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Картернинг Венада ўтказилган учрашуви аҳамиятига юксак баҳо бериб, бундай деди:

«СҚЧ-2 тўғрисида тузилган шартномани АҚШ сенати ратификация қилишига тўла ишонаман. Бу шартнома СССР билан АҚШ ўртасида турли соҳаларда, жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги ҳамкорлик даври бошланганлигини билдиради. Биз, юристлар, биосферани муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш проблемаларини янада самарали ҳал этадиган халқаро механизмлар яратишимиз лозим бўлади. Келинг, шундай давр бошланди, деб ҳисоблайлик».

(ЎзТАГ).

МАТБУОТ ЖОНКУЯРЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР СЎЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИДА

Эндиликда кўп тиражли завод газетасидан тортиб етакчи марказий газеталаргача бутун матбуот саҳифаларини унинг бош мухбири: ишчи ва колхозчининг, ишлаб чиқариш мутахассислари ва партия ходимининг, олим ва санъат арбобининг жўшқин, сермазмун материалларисиз тасаввур этиш қийин. Мамлакатнинг хўжайинлари бўлган шу кишилар ўз ҳуқуқлари ва бурчларини адо этиб, хўжалик юритиш ва ғоявий тарбиянинг илғор усуллари тўғрисида, КПСС XXV съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида сўзлаб бериш учун, жамоатчиликни қизиқтирувчи энг муҳим проблемаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олиш учун матбуот минбаридан фойдаланадилар. Матбуотнинг 80 минг жонкуяр активи Ўзбекистонда ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатида иштирок этмоқда. Партиянинг идеология жабҳасидаги ана шу армиясининг энг яхши намояндалари 22 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ишчи-қишлоқ мухбирлари IV съездига тўпландилар. Съездда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида республика ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Съезд иштирокчилари Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини давомли карсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

Музокараларда «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қ. Қориев, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, ишчи мухбир А. Раҳимхўжаев, «Советская Каракалпакия» газетасининг редактори Ю. А. Леонтичев, Янгиқўрғон район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори М. Маъмуров, Бекобод район партия комитетининг секретари Т. Ширинов, Хазорасп район мактабининг ўқитувчиси, қишлоқ мухбири Г. Худойберганова, «Индустриальний Навои» шаҳар газетасининг редактори Г. И. Левиков, Сирдарё область Ворошилов районидаги Карл Маркс номли колхознинг пахтакор механизатори, қишлоқ мухбири Р. Эрназарова, «Жиззах ҳақиқати» газетаси редакциясининг бўлим мудири, ишчи-деҳқон мухбирлари университетининг проректори Б. Сатторов, ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатининг ветерани, Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси редакцияси штатсиз қурилиш бўлимининг мудири Е. И. Карпиленко, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети социологик тадқиқотлар бўлимининг мудири Б. Рихсиев, «Каршистрой» бошқармаси 40-механизациялашган кўчма колонна бетончилар бригадасининг бошлиғи, ишчи-қишлоқ мухбирлари постининг раҳбари М. Хамроев, катта лейтенант В. Садчиков, «Рабоче-крестьянский корреспондент» журнали редакциясининг бўлим мудири В. И. Волков сўзга чиқдилар.

Нотиқлар республикада ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатини янада кенгайтириш, бу ҳаракатга матбуотнинг янгидан-янги фидойиларини жалб этиш зарурлиги тўғрисида, редакция коллективлари ишчи ва қишлоқ мухбирларининг маҳоратини ошириш учун, уларга хабарларни жонли, ишонарли ва илҳомбахш тарзда ёзишни ўргатиш учун ғамхўрлик қилишлари кераклиги тўғрисида гапирдилар. Ишчи-қишлоқ мухбирлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, бу йил 5 миллион 700 минг тонна пахта ҳосили олиш учун социалистик мусобақанинг жарчилари бўлишлари керак, деб таъкидланди.

Орбитал космик кема бортидан космонавтлар Владимир Ляхов ва Валерий Рюминнинг съезд иштирокчиларига йўллаган табрик телеграммаси йиғилиш аҳли томонидан самимий кутиб олинди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика матбуоти, телевидениеси ва радиоэшиттиришини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан қуйидаги ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди: «Чуст ҳақиқати» район газетасининг редактори Иброҳим **Дадажонов**, «Қашқадарё ҳақиқати» область газетасининг штатсиз мухбири, Нишон районидаги Ч. Бегимқулов номли совхоз механизатори Боймамат **Жабборов**, «Совет Қарақалпақыстаны» газета редакциясининг бўлим мудири Отамурод **Жумагулов**, Ильич район «Ленин йўлидан» газетасининг штатсиз мухбири, «Янгиерводстрой» трестининг бетончиси Бозор **Исоқов**, «Голос текстильщика» кўп тиражли газетасининг редактори Илья Хоскелевич **Маргонин**, Бойсун район «Ғалаба» газетасининг редактори Очил Бозорович **Пардаев**, «Бухоро ҳақиқати» область газетасининг штатсиз мухбири, пенсионер Бақо **Саидов**, «Андижанская правда» область газетасининг штатсиз мухбири, «Андижаннефть» бошқармасининг бўлим бошлиғи Василий Иванович **Спиридонов**, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори Рустам Баубекович **Суярқулов**, Зомин район «Шарқ тонги» газетасининг редактори Шукрулла **Файзуллаев**, Самарқанд область «Ленин йўли» газетасининг штатсиз мухбири, 100-мактаб ўқитувчиси Мухсин **Хусаинов**, «Хоразм ҳақиқати» область газетаси редакциясининг катта мухбири Айман Рўзметовна **Эгамова**, «Ташкентская правда» область газетасининг мухбири Валентин Яковлевич **Ястребков**.

* * *

Республика матбуоти, телевидениеси ва радиоэшиттириши ишида актив қатнашганлиги учун ишчи-қишлоқ мухбирлари, республика матбуоти, телевидение ва радиоэшиттириши, партия комитетлари ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СОВЕТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ИШЛАРИ

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

Она-Ватанга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш мақсадида автоном республика пахтакорлари, механизаторлари йилнинг тўрт фаслида ҳам бетиним меҳнат қилиб, янги ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш йўли билан пахтачиликни ривожлантирмоқдалар. КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган пахтакорларимиз бу йил камида 380 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилиб, умумхалқ мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётирлар.

Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика Министрлар Совети пахта, шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини мунтазам контроль қилиб, тегишли министрликлар, муассасалар, идораларнинг ахборотларини эшитиб бормоқда.

Автоном республика Министрлар Совети район, посёлка ва овул Советлари ижроия комитетлари иштирокида ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишлар савиясини кўтариш, фан ва техника янгиликларини, қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини оммалаштириш чораларини кўрмоқда. Бу ишда СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг ва маҳаллий Советларнинг депутатлари актив қатнашмоқдалар.

Шу мақсадда ҳар бир колхоз ва совхозда мураббийлар ва оқсоқоллар Советлари тузилди. Бу Советларга халқ депутатлари раҳбарлик қилмоқдалар. Улар меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёш колхозчилар ва совхоз ишчиларига деҳқончилик сирларини, мўл ҳосил етиштириш йўлларини, қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланишни ўргатиш каби ғоят аҳамиятли ишларни бажармоқдалар. Уларнинг ҳаммаси пировард натижада деҳқончилик маданиятини янада юксалтиришга қаратилган.

Кейинги йилларда автоном республика пахтакорлари, шоликорлари катта табиий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Тўғри, ҳар бир йилнинг ўз қийинчиликлари, машаққатлари бўлади. Улар бир-бирига ўхшамайди. Лекин, бу йил баҳорнинг ноқулай келиши пахтакорлар учун айниқса, катта ташвиш туғдирди. Апрелнинг охирларида, май ойининг бошларида тинимсиз ёққан ёмғир сабабли чигит экиш кечикиб кетди. Олдинроқ уруғ ташланган майдонларда эса чигитнинг чириб кетмаслиги учун тадбиркор деҳқонлар ёмғир сувларини насослар ёрдамида чиқариб ташладилар.

Деҳқонлар табиат инжиқликлари сабабли юз берган машаққатлардан саросимага

Е. АЙТМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси

●

тушмадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг жуда катта мададига таянган пахтакорларимиз, шоликорларимиз чигит, шоли ва бошқа экинларни жуда қисқа агротехника муддатларида экиб олдилар.

Беруний, Амударё, Хўжайли, Кегайли, Чимбой районларида катта-катта майдонларга қайта чигит экишга тўғри келди. Шунга қарамай, ҳамма жойда тўла гектарлар ҳосил қилинди, чигит бир текис ундириб олинди. Ниҳоллар кўзни қувонтирган бир пайтда 23—25 май кунлари кучли совук шамол эсиб, катта майдонлардаги ғўзага зарар етказди.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари бутун куч ва эътиборни зарарланган ғўзаларни яхши парвариш қилиш йўли билан тиклаб олишга қаратдилар. Ҳамма имкониятлар ишга солинди. Колхозлар, бригадалар, бўлимлар ва звенолар ўртасида экинларни намунали парвариш қилиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди.

Ҳар гектар майдондан 38—40 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи ҳосилни 45—50 минг тоннага етказиш учун Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний районлари колхоз ва совхоз далаларида иш қизғин тус олиб кетди.

Тўрткўл районидаги Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати У. Матнебетов директорлик қилаётган «Ленинизм» совхози, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Шомуродов раис бўлган «Коммунизм» колхози, Амударё районидаги Карл Маркс номли, Хўжайли районидаги Ленин номли ва бошқа жуда кўп хўжаликларнинг пахтакорлари ва механизаторлари 45—55 центнерлик ҳосилни кўзлаб, қийинчиликларни енгиб ўтишда намуна бўлмоқдалар.

Маҳаллий Советларнинг депутатлари, жойлардаги депутатлар группалари дала ишлари сифатини назорат қилмоқдалар. Культивация вақтида экинларни бир йўла минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш, чопиқ тракторларининг икки сменада ишлатилиши, шу долзарб дамларда пахтакорларга маданий-маиший, савдо хизмати уларнинг диққат марказида турибди.

60 центнерчилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ҳаракатга қўшилган бригадалар сони йил сайин кўпаяпти. Тўрткўл районидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор М. Исмоилов, С. Рўзимов, С. Бозорбоев, Беруний районидаги Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Р. Матмуротов бошлиқ ва бошқа ўнлаб бригадалар шулар жумласидандир.

Шу кеча-кундузда ҳосилнинг тақдири механизаторлар билан сувчиларнинг қўлидадир. Бир туп ғўзани ҳам ёввойи ўтга бостирмаслик, чанқатиб қўймаслик учун пайкаллар механизаторлар билан сувчиларга бириктиб қўйилди. Хуллас, пахтачиликда беш йилликнинг тўртинчи йили улкан қадам йили бўлиши учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Шоли етиштириш эса автоном республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғига айланди. Чапаев номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Партия XXII съезди», «Олтинкўл», «Маданият», «Қораўзак», «Майёб», «Октябрь» совхозларининг шоликорлари гектаридан 55—60 центнердан хирмон кўтариш учун парваришни кучайтириб юбордилар.

Автоном республика партия ва совет ташкилотлари шоликорликда илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Чапаев номли совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати У. Бекназаров, «Россия» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Пак Алексей, «Майёб» совхозининг автоном республика Олий Совети депутати Райгул Жумамуродова бошчилик қилаётган ва ҳар йили 65—80 центнердан шоли етиштираётган илғор бригадалари базасида шоликорларнинг тажриба мактаби ташкил этилди. Шоли усталари ўз тажрибаларини кенг оммалаштирмоқдалар.

Коммунистлар, депутатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиштиришни кўпайтириш учун курашда жонбозлик кўрсатиб, намуна бўлмоқдалар. Шу долзарб кунларда ҳамманинг ўрни далада. Шаҳар саноат корхоналари коллективлари пахтакорларга мадад кўрсатиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Ишчилар экинларни парвариш қилишда пахтакорларга амалий ёрдам кўрсатаётирлар.

Район Советлари ижроия комитетлари, посёлка ва овул Советлари зиммасига далада ишлаётган меҳнаткашлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш вазифаси юкланган. Дала шийпонларини мавсумга мослаб жиҳозлаш, бригадаларда иссиқ овқат ташкил қилиш, доимий боғча ва яслилардан ташқари мавсумий боғча ва яслилар ишини мунтазам назорат қилиб боришга катта эътибор берилмоқда.

Автоном республика пахтакорлари, шоликорлари «оқ олтин» ва шоли фидокорона меҳнат билан етиштирилишини яхши биладилар. Улар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун қийинчиликларни мардонавор енгиб, қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Бирма Иттифоқи социалистик республикасининг ташқи ишлар министри У Мьинт Маунг 21 июнь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Шу куниёқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико У Мьинт Маунг билан суҳбатлашди. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат давомида ҳар икки томонни қизиқтираётган актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Венада олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашуви якунларига юксак баҳо берилди ва бу учрашувнинг натижалари кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш жараёнига кўнгилдагидек таъсир ўтказади, деб ишонч билдирилди.

А. А. Громико билан У Мьинт Муанг Осиё қитъасидаги ва жумладан Жануби-Шарқий Осиёдаги аҳволга доир баъзи масалаларни, турли соҳалардаги Совет—Бирма муносабатларининг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболларини ҳам кўриб чиқдилар. (ТАСС).

СССР—ЭФИОПИЯ: ОЛИМЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

21 июнь куни Москвада социалистик Эфиопиянинг социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий проблемаларига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференцияси тугади. Конференцияда қилинган докладлар ва берилган ахборотларда революцион Эфиопиянинг давлат тузилиши актуал проблемалари ва аграр масалалар — аҳолисининг 90 проценти деҳқон бўлган мамлакатнинг туб проблемалари муфассал ёритилди.

— Бундай қизиқарли илмий анжуманни ўтказишда ташаббус кўрсатиб, унинг кўп наф келтириши учун ҳамма ишларни қилган Совет Иттифоқилик дўстларимиздан миннатдормиз, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Аддис-Абеба университети ҳузуридаги Эфиопия тадқиқотлари институтининг директори Т. Тамрат. — Конференция бизда монархияга қарши, феодализмга қарши революция келтириб чиқарган туб ўзгартишларни совет олимлари диққат билан чуқур ўрганаётганликларини кўрсатди. Шу муносабат билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, ватанимнинг революцион-демократик кучлари ҳокимият тепасига келган биринчи кунларданоқ, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдамини сезиб турди. Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йилнинг охирида имзоланган шартномада янги руҳдаги Совет—Эфиопия муносабатлари ўз аксини топди. Биз олимлар бу ҳужжатни қизғин маъқуллаймиз ва Совет Иттифоқидаги тадқиқотчилар билан илмий алоқаларни кенгайтира бориб, бу ҳужжат амалга оширилишига ҳисса қўшиш ниятидамиз.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

КОММУНИСТЛАР ИШБОШИ

Партком мажлисида коммунистнинг бурчи ҳақида гап кетганда, кўпчилик Ҳайдар Эшонқулов номини бежиз фахрланиб тилга олмаганди. Чунки, у меҳнат машаққатидан чўчимайдиган, коллективнинг учун жонкуяр, талабчан ва дилкаш одам.

Йил бошида парткомга ёш коммунист муҳим таклиф билан кирди.

— Мени бирор қолоқ участкага, мисол учун Имом Жангалов бошлиқ бригадага ишга юборишингизни сўрайман.

Партком секретари Эргаш Турсунқулов унга синовчан назар ташлаб, сўради:

— Ким бўлиб бормоқчисиз?

— Бирор оддий ишга қўйсангизлар бас. Ахир, бу бригада токайгача пахта тайёрлаш планини бажармай юраверади? Коммунист сифатида шуни билмоқчиман.

— Тўғри фикр, —маъқуллади секретарь.— Қани ҳамма ҳам шундай жонкуяр, ватанпарвар бўлса... Биз кенгашайлик, кечқурун натижасини айтаман.

Партком аъзолари Эргаш Турсунқуловнинг ёш коммунист таклифи тўғрисидаги гапини тинглашиб: «Шу йигитни бригадирликка қўйиш керак», — деган қарорга келишди. «Очиғи, Имом Жангалов бригада бошлиғи бўлди-ю, бирор марта ҳам пахта тайёрлаш плани 60 процентдан нарига ўтганини билмаймиз. Ҳайдарга келсак, ишчан камтарин коммунист, одамларни ўзига эргаштира олади. Кўрасизлар, пахтадан ҳам юқори ҳосил кўтаради», — дейишди.

Партком секретари Эргаш Турсунқулов совхоз активларидан ана шу илиқ сўзларни кутарди. Айни муддао бўлди. У кечқурун Ҳайдар Эшонқуловни чақириб, бу янгиликни айтди.

— Бригадирликни эплай олармикинман?—деди Эшонқулов. — Ахир бу масъулиятли вазифа-ку?

— Ана шу масъулиятли вазифани сизга топширамиз, — деди партком секретари. — Бу партия топшириғи.

Ҳайдар Эшонқулов зиммасига юклатилган вазифани партия топшириғи, деб билиб зарбдор йилда биринчи марта 3-бўлимнинг қолоқ бригадасида иш бошлади. Янги бригада бошлиғи ишга киришишдан олдин қолоқлик сабабларини пухта ўрганди. Бригада аъзолари билан атрофлича суҳбатлашди. Маълум бўлишича, талабчанлик бўшашиб кетган, ишчилар хоҳласа ишга чиқишаркан, хоҳламаса йўқ. Бунинг устига ғўза парвариши даврида бригадирнинг ўзи етарли жонкуярлик кўрсатмаган, агротехника қоидалари бузилган. Шундай аҳволда мўл ҳосил олиш мумкинми?

Ёш коммунист партия топшириғини бажариш учун бурч ва масъулиятни англаган ҳолда иш тутди. Одамларнинг қалбига қўл солди. Уларни улкан хирмон учун курашга сафарбар эта олди. Собиқ бригадир тутган ишнинг тескарисини қилди. Дилкаш, меҳрибон раҳбарни бригада аъзолари ҳам ёқтириб қолдилар. Унга ҳурмат-эҳтиром билан қарадилар. Яхши кайфият, баланд руҳ билан меҳнат қилдилар. Натижада коллектив биринчи йилиёқ 80 гектар ердан 320 тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берди. Йиллик пахта тайёрлаш плани 160 процентдан ошиб кетди. Шундай қилиб, ёш коммунист Ҳайдар Эшонқулов партия комитети ишончини бригада пахтакорлари ёрдамида ҳалол меҳнат билан оқлади.

Совхоз партия комитети Ҳайдар Эшонқуловдек ишчан, талантли, ташаббускор коммунистларга таяниб, уларга масъулиятли вазифаларни ишонч билан топшираётир. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Байрам Жўрақулова ҳам ана шундай тадбиркор коммунистлардан. Партком уни пахтачилик бригадаси бошлиғи вазифасига тавсия этиб, янглишмади. Қобилиятли коммунист тадбиркорлик билан иш юритди. Коммунист ва комсомолларни мўл ҳосил учун курашга сафарбар этди. Натижада бригада зарбдор йилда районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Мавжуд 50 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан қарийб 35 центнердан юқори сортли ҳосил йиғиб-териб олинди.

Совхоздаги 28 та пахтачилик бригадасининг кўпчилигига қишлоқ хўжалиги мутахассислари раҳбарлик қилишмоқда. Улар етакчилик қилган коллективларнинг аксарияти об-ҳаво ноқулай келган бир шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Коммунистлардан Ойжамол Байраева, Ҳабит Ҳамроқулов, Нурали Ҳақбердиев, Шоназар Сафаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 45-50 центнерлик хирмон яратдилар.

Шунингдек, чорва фермаларида ишлаётган коммунистларнинг ҳам бурч ва масъулияти оширилди. Уларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Оқсоқ жойлар моҳир, ишбилармон ва ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамланди. Коммунист Жума Итолов қорамолчилик фермасига, коммунист Қурбон Маматқулов паррандачилик фермасига мудир қилиб тайинландилар. Улар бу партиявий топшириқни оқлаш учун виждон билан ишладилар. Қорамолчилик фермасида олдинги йили ҳар бош соғин сигирдан 3 минг 229 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинган бўлса, зарбдор йилда бу кўрсаткич 3,5 минг литрга етказилди. Чорвачилик рентабель соҳага айлантирилди.

Совхоз маркази — Қамаши қишлоғининг ободончилиги издан чиқиб бораётган эди. Бу масала партком йиғилишида атрофлича муҳокама этилди. Бу ишга алоқадор айрим коммунистларнинг ҳисоботлари тингланди. Сўнгра ободончиликни яхши йўлга қўйиш коммунистлар—капитал қурилиш бўлими прораби Худойқул Раимқулов, директор ўринбосари Хўжам Султонов ўртоқлар зиммасига юкланди.

Ишчанлик фазилатига эга бўлган бу коммунистлар партия топшириғини виждон амри деб тушундилар. Шунга кўра фаол ҳаракат қилдилар. Натижада қисқа вақтда йўллар асфальтланди. Кўча ва хиёбонларга турли хил дарахт кўчатлари ўтқазилди. Қорамолчилик фермаси ва дала шийпонлари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Коммунистларнинг ҳаммаси доимий топшириққа эга. Бу ёш коммунистлар тарбиясида муҳим роль ўйнаяпти. Улар иштирокида хўжалик ва маданий қурилишда ҳал этилмаган муаммолар ечилмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиш кераккки, совхоз партия комитетининг секретари Эргаш Турсунқулов ташкилотчилик қобилиятини ҳар жабҳада намойиш этмоқда. Партиявий-ташкилий ишни КПСС Устави талаблари асосида уюштирмоқда. У коммунистларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошира бориб, партиявий ишнинг турли-туман формаларидан ўринли фойдаланишда бой тажриба тўплади.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида Қашқадарё область Ульянов районидаги «III Интернационал» совхози давлатга 5 минг 780 тоннага яқин пахта, 365 тонна сут, 73,5 тонна гўшт, 230 минг донага яқин тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берди. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича белгиланган план-топшириқлари ошириб уддаланди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай улкан муваффақиятлар коммунистларнинг авангардлиги, жасоратли меҳнати туфайли қўлга киритилмоқда. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг илҳомбахш доклад ва нутқларидан келиб чиқадиган жанговар вазифаларни бажариш учун партия ташкилоти етакчилигида пахта далалари ҳамда чорва фермаларида фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар билан ишлаш комиссияси 21 июнда навбатдаги мажлисини ўтказди. Унда Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги номли Наманган ипак газлама комбинати билан КПСС XXV съезди номли Бухоро тўқимачилик комбинати маъмуриятлари ва жамоат ташкилотларининг социалистик мусобақани ривожлантириш ҳамда ёшларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиялаш соҳасидаги иши масаласи муҳокама қилинди. Корхоналардаги ишларнинг аҳволини текширган депутатлар тайёргарлик группасининг доклади, комбинатлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Доимий комиссия Наманган ипак газламалар комбинати билан Бухоро тўқимачилик комбинатининг раҳбарларига халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг қарори талаблари асосида социалистик мусобақани, ёшларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштириш борасида бир қанча чораларни амалга оширишни тавсия қилди.

(ЎзТАГ).

Оҳангарондаги «Сантехлит» заводида қолоқларсиз ишлаш ҳаракати оммалашиб бормоқда. Суратда: корхонанинг ишлаб чиқариш илғорларидан бири Бердиали Алматов. У ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда смена топшириқларини 125—130 процентга етказиб адо этишга муваффақ бўлаётир.

В. Сироткин фотоси.

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ҚЎЛДА ҚАЛАМИ БИЛАН

Қишлоқ мухбири Қутбиддин Тўраевни Наманган областида танимайдиган киши бўлмаса керак. У ҳозир пенсияда бўлса ҳам қўлидан қалами тушгани йўқ. Хоҳ район ёки область, хоҳ республика газеталарида бўлсин, ўзининг ранг-баранг хабар ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади.

Қутбиддин отадан жуда ёш етим қолди. Шундан кейин онаси уни Уйчи районидаги болалар интернатига берди. У барча болалар қатори Совет ҳукумати ғамхўрлигида тарбия топди. Қ. Тўраев ўртоқларининг «Сен кимнинг ўғлисан?» — деб берган саволига: «Мен Шўро ҳукуматининг ўғлиман!» — дерди. Қ. Тўраев интернатда чиқадиган деворий газетага редакторлик қилди. «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталарида ўз мақолалари билан қатнашиб турди.

1934 йилда интернатда ўқишни тугатгач, матбуот техникумида таҳсил кўрди. Сўнгра Уйчи районида коллективлаштириш ишларида актив қатнашди. У уйчилик ўн уч ёшли Маърифатхонни ўқишдан қолдириб, Маматхон деган кишига хотинликка сотишмоқчи бўлгани тўғрисида «Маърифатхон қалин молга сотилмоқда» деган фельетон ёзди. Шундан кейин район комсомол комитети ёш қизчани ўз ҳимоясига олди. Маърифатхон бошқа бахтиёр қизлар сингари билим маскани партасидан ўрин олди. Қ. Тўраев қаерда ва қандай лавозимда ишламасин кундалик матбуот билан бирга нафас олди, район янгиликлари ҳақида ранг-баранг материаллар ёзди. Улуғ Ватан урушидан қайтгач, қурилишда ишлади. Бу қишлоқ мухбири матбуотлаги фаол иштироки учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлди.

Яқинда Наманган область ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вакили сифатида Қутбиддин Тўраев республика ишчи ва қишлоқ мухбирлари съездида иштирок этди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» газетасининг штатсиз мухбири.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВАХТАДА

Фарғона водийсига темир йўл ўтказилганлигига 80 йил тўлди. Водий транспортчилари ўтган даврда, айниқса тўққизинчи беш йилликда катта ишларни амалга оширдилар. Темир йўлларнинг янги техника воситалари билан қуроллантирилиши, паровозлар ўрнини кучли тепловозлар эгаллаши, ишчиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиши натижасида меҳнат унумдорлиги 21 процент ортди. Фарғона-II, Охунбобоев, Меҳнатобод станциялари қайтадан реконструкция қилинди.

Ўтган йили пландан ташқари 2 миллион 249 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилди. Темирйўлчилар шу кунларда 1978 йил ютуқларини мустаҳкамлаш ҳамда кўпайтиришга интилиб, зарбдор вахтани давом эттиришяпти. Бунга ўтган беш ойлик якунлари яққол мисол бўла олади. Қўлга киритилаётган муваффақиятларни таъминлашда Қўқон станцияси диспетчери А. Девальд, Олтиариқ станциясининг поезд тузувчиси П. Эминов, Охунбобоев станциясининг навбатчиси Ю. Содиқов каби юзлаб фидокорларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Н. СОБИРОВ.

ЧЎЛҚУВАРЛАРГА ХИЗМАТ

Мана бир неча кундирки, Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи Қашқадарё области бўйлаб гастролда юрибди. Санъаткорлар область пахтакорларига маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Қашқадарёликлар Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Облоқул Эгамовнинг «Кампирга совчи келди», Максим Каримовнинг «Ўн саккиз ёшлигим — қалам қошлигим» асарлари асосида яратилган спектакллар ҳам намойиш этилмоқда. Гастрол кунларида кўрсатиш учун махсус тайёрланган «Келинг бир кулишайлик» ҳамда катта концерт программалари эса томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекитони» штатсиз мухбири.

ВАЪДАГА ВАФО

ТЕРМИЗ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Шу йил май ойида Денов район халқ маорифи ходимлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасалари коллективлари Сурхондарё областидаги барча педагогик коллективлар, жамоат ташкилотлари, барча меҳнаткашларга мактаблар ремонтини 10 июнгача тўла ва сифатли тугаллаш ҳақида мурожаат қилган эдилар. Деновликлар ваъдаларига вафо қилдилар. Район халқ маорифи ходимлари колхоз ва совхозлар, оталик ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг бевосита кўмаги билан мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларининг барчаси тўлиқ ва сифатли ремонт қилингани ҳақида 10 июнь куни ғалаба рапортига имзо чекдилар.

— Мактаблар ремонтини жуда қисқа муддатларда ўтказишимиз учун, — деди район халқ маорифи бўлимининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Карим Қодиров, — райондаги Охунбобоев номли колхоз, Собир Раҳимов номли 43-ўрта мактаб коллективларининг 1979—1980 ўқув йилига мактабларни сифатли ремонт қилиш ҳақидаги тадбирлари катта роль ўйнади. Шу ташаббуслар асосида ишни ташкил этган педагогик коллективлар яхши натижаларни қўлга киритдилар. Мактаблар ва болалар боғчалари ремонти барвақт ва юқори сифатда тугалланди.

Мактабларда ўқитувчилар ва комсомол-ёшлардан ремонт бригадалари ҳам ташкил этилди. Райондаги 72 мактаб, мактаб-интернат, санаторий, пионерлар уйи, ёш техниклар станцияси, ўқитувчиларнинг уй-жойлари, маориф бўлимига қарашли 4 та болалар боғчаси капитал ва жорий ремонт қилинди.

Ўқув йили бошлангунга қадар 2130 ўқувчига мўлжалланган 3 та янги мактаб, 1440 ўринли 40 та қўшимча синфхона ҳамда 200 ўринли 3 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилади.

А. ХАЛИЛОВ.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программаси кадрлар тайёрлашга нисбатан юксак талаблар қўяди. Ҳунар-техника таълими ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Беш йиллик мобайнида ҳунар-техника таълими давлат системаси 11 миллион йигит ва қизга катта ҳаётга йўлланма беради.

Ҳунар-техника таълими давлат системаси ходимларининг 20 июнь куни Москвада ўз ишини бошлаган Бутуниттифоқ кенгаши КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системасидаги ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари С. П. Трапезников, Е. М. Тяжельников, СССР министрлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари кенгаш президиумидан жой олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. А. Булгаков доклад қилди.

КПСС, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев, деди у, ҳунар-техника таълими системасига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар.

Докладчи кенгаш қатнашчиларига ва улар орқали ҳунар-техника таълими системасининг ўқитувчиларига, ишлаб чиқариш таълими мастерларига, тарбиячиларига, барча ходимларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий саломини, ёшларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш ишида, улуғ Ватанимиз қаҳрамон ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашда катта муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истакларини топширди.

Ҳозир мамлакатда ишлаб турган салкам етти минг билим юртида 3,5 миллион йигит ва қиз таълим олмоқда. Ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёш ишчиларни тайёрлаш сифатини ошириш соҳасида иш олиб борилмоқда. Партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари янада ривожлантирилди.

Ишчи кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда чет элларда СССРнинг ёрдами билан ташкил этилган 156 та ана шундай ўқув юртлари ишлаб турибди. Мамлакатимиздаги ҳунар-техника билим юртларида социалистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг ишчи кадрлари тайёргарликдан ўтмоқдалар.

Докладчи йиғилиш аҳли номидан партияни, Совет ҳукуматини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтдики, ҳунар-техника таълими системасининг ходимлари ишчи ўринбосарларини тайёрлаш сифатини янада яхшилашга эришадилар ва коммунистик қурилиш ишига ўзларининг ҳиссасини қўшадилар.

Москвадаги 180-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Филиппов, Магнитогорск металлургия комбинатининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Д. П. Галкин, КПСС Ленинград область комитетининг секретари В. Г. Захаров, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов, ВЦСПС Раисининг ўринбосари В. И. Прохоров ва бошқалар ҳунар-техника таълими давлат системасининг вазифалари ҳақида, тарбиявий ишга комплекс ёндашиш асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш тўғрисида гапирдилар.

(ТАСС).

40 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

«Партия XXIV съезди» совхози Мирзачўл районидаги кенжа хўжаликлардан ҳисобланади. У бундан саккиз йил муқаддам— КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган йили ташкил этилган эди. Совхоз ишчилари қўриқда пахта етиштириш учун астойдил ғайрат қилдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига келиб, ҳосилдорлик гектар бошига 12 центнерни ташкил этди.

Бу марра эмаслигини яхши тушунган чўлқуварлар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилидан бошлаб ҳосилдорликни янада ошириш учун юриш бошладилар. Кўрилган чора-тадбирлар катта самаралар берди. Беш йилликнинг тўнғич йили ҳосилдорлик гектар бошига 6,6 центнерданга кўтарилди. Натижада, зиммага олинган социалистик мажбурият муддатидан илгари ошириб бажарилди. Ўтган йили пахта майдонининг ҳар гектаридан 23,4 центнердан чўл дурдонаси йиғиб-териб олинди. Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналарда терилди. Совхознинг барча бўлимлари пахтакорлари давлатга пландан ташқари «оқ олтин» топшириб, бу соҳа бўйича кўзда тутилган марраларни эгалладилар.

Бу йил ҳамма ердаги каби совхоз ишчилари ҳам табиат қийинчиликлари туфайли юз берган офатларни енгиш учун бутун кучларини сафарбар қилдилар. Барча бўлимларнинг пахта далаларида ғўзалар гуркираб ўсмоқда. Ўсимлик уч марта культивациядан чиқарилди, икки марта суғорилди. Ҳозир совхоз далаларини айлансангиз кўзингиз қувонади.

— Комплекс ишловдан чиқарилаётган ғўзаларимизнинг ривожи ўтган йилдагидан деярли фарқ қилмайди, — дейди совхоз директори Очил Бобобеков. — Шуни ҳисобга олиб, илгариги мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтариш, ҳаммаси бўлиб давлатга 10 минг тонна «оқ олтин» топширишга қарор қилдик.

Бўлимлар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақада 2, 5, 6 ва 7-бўлим пахтакорлари олдинда боришмоқда. Шоналаётган ғўзалар мўл-кўл ҳосилдан далолат бериб турибди.

Исмат Мўминов бошқарувчилик қилаётган 2-бўлим пахтакорлари бу йил 500 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариш иштиёқида фидокорона меҳнат қилишаётир. Ҳозир ғўзалар уч марта культивациядан чиқарилиб, икки марта қондириб суғорилди. Механизаторлардан Рўзиқул Исоқулов, Ўрол Нуъмонов, Ширин Қўшмуродовлар ғўзаларга ишлов беришда белгиланган кундалик нормаларини икки ҳиссадан ошириб адо этишмоқда. Берат Одилов, Абдусамат Равшанов, Шекарбой Эшқулов, Рашитбой Шарипов сингари тажрибали сувчилар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, экинларни меҳр билан суғоришмоқда.

— 420 гектар ердаги ғўзаларимизнинг ривожи чакки эмас. Бу йил пландаги 22 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтарамиз, деб ваъда берганмиз, — дейди бешинчи бўлим бошқарувчиси Тозахон Жунусбеков. — Сўзимизнинг устидан чиқиш учун бутун кучни ғўза парваришига сафарбар этганмиз. Барча майдонларимиз бегона ўтлардан тозаланаётир. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Тўртинчи йил ҳосилининг ҳаммасини фақат «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб оламиз. Бу эса пахтанинг таннархини кескин камайтириш имконини беради.

Совхозда 40 центнерчилар ҳаракати ҳозирданоқ бошланиб кетган. Толибой Шарипов, Бозорбой Абдурашидов, Пердебой Беденов, Нусха Дўсанова, Назрулла Суюнов, Юсуф Воҳидов, Камол Ўразов каби бригада бошлиқлари ана шундай ватанпарварлик ташаббусини бошлаб беришган. Буларнинг пахта майдонларидаги ғўзалари шоналай бошлади.

Т. УНАБОЕВ.

Суратда: 2-бўлим механизатори Рўзиқул Исоқулов ва бошқарувчи Исмат Мўминов культивациядан чиққан ғўзаларни кўздан кечиришмоқда.

К. Жўрақулов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ВОДИЙДАН МАКТУБЛАР

4. «НАВБАҲОР» ГУЛИ

Ҳеч қачон кабинетида ўтирмайдиган бирлашма директори бугун идора олдидаги хиёбонда у ёқдан-бу ёққа бетоқат бориб келарди. Чинорлар бағрига кўмилган узун кўча этагига тез-тез қараб қўяди. Дарвоқе, бугун «Навбаҳор»дан гул келиши керак. Бош директор шуни кутяпти. Кеча у дала айланганда баъзи карталардаги шоналар ана очиламан, мана очиламан, деб турганини ўз кўзи билан кўрганди. Бирлашмага қайтиб келиб, радиода кимда-ким биринчи очилган гулни олиб келса, суюнчига битта қўл соати олишини эълон қилганди. Директор шу севинчини албатта «Навбаҳор»дан келган гулнинг эгаси олади, деган ишончда эди.

Кўча бошида «Жигули» кўринди. Директор келаётган машина истиқболига отланди. Диспетчер хонасида рация билан гаплашаётган партком секретари Ғайрат Мамадалиев ҳам трубкани столда қолдириб, шошиб ташқарига чиқди. Бу пайт «Жигули» фонтан олдидаги айланма йўл четида тўхтаган, ундан ёшгина бир йигит битта пахта гулини капалакдек авайлаб ушлаб тушиб келарди. Бирлашма биносининг деразаларидан ҳамма бу ҳодисани кузатиб турарди.

Гулни бирлашма директори Аҳмаджон Одилов қўлига олди, кўзлари қувониб, «Ҳа, жонвор, бор экансан-ку!», деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Биринчи гул...

Бу гул дўллар билан, селу жалалар билан олишиб кўз очди. Ҳозир қўлдан-қўлга ўтиб, кўзларни қувонтираётган шу гул бағрида қанчалаб пешона тери, қанчалаб деҳқон меҳнати, иродаю саботи яшириниб ётганини бир тасаввур қилиб кўринг. Келинг, биргалашиб хаёл кучи билан шу нимжонгина гул босиб ўтган йўлларга бир назар ташлайлик...

...Чигит-ку бу гал ҳам ҳар йилгидек вақтида ерга тушди. Аммо, ҳаво шундоғам нокаслик қилдики, асти сўраманг. Чигит деганнинг тупроқ тагида шунақа узоқ ётганини биронта поплик деҳқон эслолмайди. Офтоб йилт этиб кўзни бир дам қувонтирадию, биров қувлагандек булутлар орасига кириб кетади. Бирам эзмаланиб ёмғир ёғади денг, қани тўхтаса. Ернинг мағз-мағзига сингиб кетади. Энди ҳаракатга келган чигит яна пўстинига ўралиб олади. Ҳай, шу алпозда ёмғир ҳам ўтди. Офтоб чарақлаб чигитнинг қулоғидан тортиб чиқди. Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёрида бўлгани дуруст экан. Устма-уст эзмаланиб ёққан ёмғирнинг нами эндигина юз кўрсатган ғўзаларни ўсишдан тўхтатиб қўйди. Илдиз чириши хавфи бошланди. Оббо, энди шуниси бормиди! Илдизи чириган ғўза юраги уришдан тўхтаган жонвордек гап. Тирик жонки бор, ҳаммаси елкасида кетмон билан далага чиқди. Тагини шамоллат, ёнбошини юмшат, ўғитни аяма, қандоқки ҳунаринг бўлса, аямай барини ишлат! Попликларнинг шиори шу! Ғурумсаройликлар умр бўйи селу дўллар билан олишавериб пишиб кетган деҳқонлар эмасми, қимирлаган кир ошар, деб бир чеккадан чопиққа тушиб кетишди. Трактор культивация қиляпти. Пайкал бошларида уюм-уюм ўғит. Ноумид шайтон, деганларидек, ишонч билан қилинган иш самара беради. Ишлаб чиқариш бирлашмасининг миришкорлари қилган меҳнат зое кетмади. Ғўзалар қаддини ростлаб бир чиройли бўлиб, ўзини кўрсатди. Унча-мунча шабадада силкинадиган бўлиб қолди.

Ҳаммаҳнинг кўнгли хотиржам бўлгандек эди. Ғўзаларимиз энди офатдан қутулди, деб ўйлашган эди.

Поп, Чуст тарафларининг об-ҳавоси Тошкент радиоси эълон қиладиган об-ҳаво маълумотига бўйсунмайдиган ўжар ҳаво. Ёзин-қишин тоғ бошини ўраб турадиган булутлар вақти-вақти билан тоғдан бери сурилиб, Поп далаларига ҳуруж қилиб қолади. Ёз чилласида ҳам чақин чақиб, далалар устида калдираб жала қуядиган пайтлари кўп бўлган. Табиатнинг бу нотанти қилиқларини кўп кўрган бу ернинг деҳқонлари доимо шай бўлиб туришарди. Мана, ғўзаларимиз йўлга кириб кетди, офатлардан қутулдик, деб турганларида, бирдан табиатнинг қалтис ўйини бошланди.

Ўн саккизинчи май тунги соат учларда осмондан даҳшатли гулдураш эшитилди. Булутлар қарсиллаб, чақин чақа бошлади. Шамол-тўполон бошланиб кетди. Дарахтлар қарсиллаб синади, боғлар бўрондан гувуллайди. Бирдан шатирлаб ёмғир қуя бошлади. Ёмғир эмас, осмондан пақирлаб сув қуйиларди. Кўчадан на машина юролади, на тирик жон. Бу ҳам етмагандек, ёмғир дўлга айланиб кетди. Ҳар дўлларки, ёнғоқдек-ёнғоқдек келади. Кўз очиб юмгунча ер оқариб, ариқ ичлари дўлга тўлди қолди.

Биров чопон ёпиниб, биров бошига хотинининг рўмолини ташлаб, даласига югуради. Шамол электр симларини ҳам айқаш-уйқаш қилиб ташлаганидан йилт этган бирон чироқ ёнмасди. Бирлашма директори Аҳмаджон Одилов Ғурумсарой билан Пунгон оралиғидаги совхозлар ерини кўргани дўлнинг дағдағасига қарамай, «Жигули»да йўлга чиқди. У далага етиб келганда, дўл тинган, аммо шамол заптидан тушмасди. Одилов машина фарасини далага тўғрилаб, кабинадан тушди. Ғўзалар калтаклангандек бири баргидан айрилиб, бири ёнбошлаб, бири белидан чўрт узилиб мунғайиб туришарди. Пайкалнинг ичкарисига кириб бўлмади. Одилов чаккасини қашлаб асфальт йўлга қайтиб чиқди. Пана-паналарда дўлдан сақланиб турган деҳқонлар мотоциклларда, машиналарда катта йўлнинг уёғидан-буёғига ўтишарди. Бир пастда дала одамга тўлиб кетди.

Аста-секин тонг отиб кела бошлади. Партия ташкилотининг секретари Ғайрат Мамадалиев нафасини ичига ютиб, Одиловнинг аҳволини кузатарди.

— Сиз «Навбаҳор»га югуринг. Аҳволни билиб, рация орқали менга хабар қилинг. Икки соат ичида хабар қилмасангиз, мен тоққа кетишим керак. Дўлнинг зўри тоғда бўлган. Чорванинг аҳволи нима бўлди экан? Оз эмас, юз мингга яқин қўй-эчки-я! Чорва қўрада бўлган бўлсаю, майлия, очиқда бўлса, шўримиз қуриб қолди, десангиз-чи.

Ғайратжон шитоб билан машинага ўтириб, Пунгон тарафга учиб кетди. Одилов машинадаги рация трубкасини олиб, диспетчерга шошиб-шошиб топшириқ бера бошлади:

— Соат еттига жами одам ўз даласида бўлсин. Директорлар, бўлим бошлиқлари бошқарма олдига соат олтида тўплансин. Радиодан зудлик билан хабар қилинг!

Ана шу куни бирлашма бўлим бошлиқлари дала-мадала юриб, ғўзалар қай аҳволдалигини аниқлашди. Ёшлар бир тараф, ветеранлар бир тараф бўлиб масала талашиб қолишди. Ёшлар бузиб қайта экиш тарафида, кексалар бузмай ғўзаларни даволаш тарафида. Икки томонга директор Аҳмаджон Одилов ҳакамлик қилиши керак эди. Ўринбосари Роҳатали Ҳаитов ҳам ветеранлар тарафида эди.

Ёшлар, э, бу нимжон ғўзаларга доялик қилиб ўтиргунча шартта қайта экиш керак, бу инвалид ғўзаларни оёққа турғизиб бўлмайди, дейишарди. Кексалар эса, бунақа офатларни энди кўраётганимиз йўқ, шу ғўзалар парвариш билан жуда чиройли ривожланиши мумкин, дейишарди.

Хуллас, қайта экамиз, деган таклиф ўтмади. Йигирманчи майдан бошлаб парваришга киришадиган бўлишди. Унгача қанча одам ҳашарга қатнашади, нималар қилиш керак, қанча ўғит, қанча техника керак — аниқлайдиган бўлишди.

Йигирманчи май тонг отари истеҳкомни ишғол қилишга отланган қўшинлар майдонига ўхшаб кетди. Ғурумсарой-Пунгон йўлида ўн минг одам елкада кетмон билан дала томон борарди. Яна бир неча минг одам юк машиналарида «Навбаҳор» томон жўнаб кетмоқда эди.

Олдиндан пишитиб қўйилган аниқ план бўйича қаерда қанча одам ишлайди, ким далага гўнг чиқаради, ким чой ташийди, ким нон-ош ташийди — аниқлаб қўйилган эди. Кетмончилар тушликка ҳам чиқишмасди. Кўчма кухняларда тайёрланган овқатларни пақирларда олиб бориб, жўяк ичида кетмончиларга сузиб беришарди. Чанқаганларга йигитчалар термосларда чой олиб бориб қуйиб беришарди. Директор Аҳмаджон Одилов елкасига диктофон осиб олган, ким қандай ишлаётганини кузатиб, янги топшириқлар берарди.

Шу туни то қош қорайгунча ҳеч ким даладан чиқмади. Бирон одам нолимади ҳам.

Шу алпозда ўтган ўн беш зарбдор кун далаларни дўл кўрмагандек, сел кўрмагандек қилиб яшнатиб юборди.

— Ўша кунларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Кунига ўн мингдан одам ишлади. Биласизми, ўн беш кунда юз эллик минг одам далага чиқди, дегани бу. Шуларни, яъни юз эллик минг одамни овқат билан таъминлашни бир ўйлаб кўринг. Озмунча гўшт, озмунча нон кетдими? Шунча одамни бепул боқдик. Бундай сахий, танти одамларга ҳар қанча яхшилик қилсак арзийди. Минг раҳмат одамларимизга. Баъзан одамларимизни ундоқ, мундоқ деймизу, аммо улар бошимизга оғир кун тушганда гина-қудратни унутиб, жипслашиб кетишларини билмаган эканман. Минг раҳмат халқимизга. Шу тиқилинчда пилла қурти даҳага кириб, каппа-каппа оғзини очиб турипти. Оз эмас, тўқсон беш тонна пиллани шу тўполон ичида топшириб қўйибмиз.

— Бу ҳам бир гап-да, — деб мамнун жилмаяди Одилов. — Агар имконим бўлса, шу ҳашарда ишлаган жами одамга мана шу катта йўл четига бир неча километргача ҳайкал ўрнатардим. Аммо-лекин ҳозир ялпи шонага кириб, гул оча бошлаган ғўзалар, кузда кўтарадиган ўн етти минг тонналик хирмонимиз шу азаматларга ўрнатган ҳайкалимиз бўлади...

Тўғрисини айтсам, бир ҳафтадирки, Фарғона водийсининг жами хўжаликларидаги ғўзаларни кўриб чиқдим, аммо Ленин номли территориал ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли совхозларининг далаларидаги бўлиқ, дуркун ғўзаларни кўрганим йўқ...

...Мана, Одиловнинг қўлида «Навбаҳор»дан келган ғўза гули. У гулни аллақандай меҳр билан қўлида айлантириб у ёқ бу ёғига қарайди.

Унинг хаёлидан яна нималар ўтганини чамалаб бўлса ҳам билиб турибман.

У ҳозир бундан буёқ бўладиган ишларни ўйлаб кетганди. Ғўза гулга кирганини билан унинг бошида қанчадан-қанча ташвишлар бор. Шира, вилт, кана, эҳ-ҳе, унинг ҳали қанча кушандаси бор! Чигит ерни ёриб чиқибдики, то чаноқ ёриб, пахта бўлгунча деҳқонга тинчлик бермайди.

Бу фақат пахтанинг ташвиши. Аммо Аҳмаджон Одиловнинг бошида ўн етти минг тонна пахта топширишдан бошқа ишлар ҳам бор. Олти минг бош қорамол, юз минг қўй-эчки ташвиши... Уларга ҳашакнинг ўзидан етмиш минг тонна ғарамлаш керак. Уч минг тонна сут, тўққиз юз тонна гўшт, олтмиш тонна жун, етти минг тонна узум тайёрлаш керак.

Бирлашма бош директори Аҳмаджон Одилов «Навбаҳор» гулига тикилиб ўтириб, мана шуларни ўйлаб кетганди.

Саид АҲМАД.
Наманган области, Поп райони.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Бу йил мамлакатимизда биринчи марта ихтирочилар ва рационализаторлар куни нишонланади. Ховос локомотив депосининг техника ижодкорлари ўз байрамларини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўришяпти. Бу соҳада тайёрлов цехининг катта машинисти Вячеслав Сулимов ўрнак бўлмоқда. У шу йилнинг ўзида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган ўнта рационализаторлик таклифини киритди. Депо коллективи бундан тўққиз минг сўм иқтисодий самара кўрди. В. Сулимовнинг ишқорли фильтрларни керосинда автоматик равишда ювиш тўғрисидаги сўнгги конструкцияси ҳар йили 5 минг сўмни тежаш, меҳнат шароитини анча яхшилаш ҳамда бир неча ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконини беради.

ПИЛЛАКАШНИНГ АҲДИ

Намангандаги аврли газламалар комбинатининг пиллакаши Дилбар Баҳодирова ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муддатидан анча олдин бажарди. У бунда пландагидан ташқари 1500 килограмм хом ашё ишлаб чиқарди. Илғор ишчи бундай муваффақиятга дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириб, кунлик нормасини икки баравар адо этиш, узуқларни улаш пайтида бир соатдан ортиқ вақтни тежаш туфайли эришди.

Наманганлик таниқли пиллакаш яна бир йиллик планни бажаришга аҳд қилди.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

«Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли Пахтакордаги 7-автотранспорт колоннаси ҳайдовчилари «Топшириқларни муддатидан илгари адо этамиз!» шиори остида мусобақалашмоқдалар. Мусобақа изсиз қолаётгани йўқ. Колонна коллективи йил бошидан бери планга қўшимча эллик минг тоннадан кўп халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилга етказиб берди.

Ўзаро мусобақада Г. Савельев ва А. Кошубалар бошлиқ бригадалар пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Шахсий меҳнат беллашувида А. Раззоқов, Э. Росс, Т. Пардаевлар ғолиблик қилишяпти.

Колонна ҳайдовчилари шу кунларда 2-Жиззах насос станцияси қурилишида жонбозлик кўрсатишяпти. Коммунистлардан М. Кореняка, Б. Султонов, Н. Зубов, А. Дембицкийлар станция котлованидан қазиб олинган тупроқни ташишда ҳар куни эллик марта ва ундан кўп қатнамоқдалар.

оламда нима гап

Тинчликни мустаҳкамлаш йўли

Давлат, сиёсат, жамоат арбобларининг, жаҳон матбуот органларининг бутун диққат-эътибори олий даражада Венада бўлиб ўтган Совет —Америка учрашувининг якунларига ва аввало КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Картер имзолаган СҚЧ—2 тўғрисидаги шартномага қаратилган. Совет ва Америка халқлари, бошқа мамлакатларнинг халқлари, мустаҳкам тинчликни ҳоҳловчи барча кишилар муштоқ бўлиб кутган воқеа содир бўлганлиги қайд этилмоқда.

БХР ҳукумати ва бутун болгар халқи СҚЧ—2 тўғрисида имзоланган Совет—Америка шартномасини зўр мамнуният билан кутиб олдилар, дейилади Болгария ҳукуматининг баёнотида. Кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш душманларининг кирдикорларига қарамай, бу музокаралар муваффақиятли якунланганлиги холис ният, реализм ва ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлик манфаатларини ҳурмат қилишга тайёр бўлиб туриш муҳити мавжуд бўлган тақдирда энг мураккаб ва қийин муаммоларни ҳам ҳал этиш йўлини топиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Американинг таниқли сиёсий арбоби сенатор Э. Кеннеди АҚШда СҚЧ—2 ни қўллаб-қувватлаш кампаниясини олиб бораётган «янги ташқи ва ҳарбий сиёсат учун коалиция» аъзолари ҳузурида нутқ сўзлаб, шу шартноманинг сенатда ратификация қилиниши кераклигини айтди. «СҚЧ—2 ядро қуролларини қисқартириш йўлида орзиқиб кутилган жараённи бошлашга ёрдам беради, шартнома иккала томоннинг стратегик қуролларини қисқартириш тўғрисидаги музокараларни давом эттириш ниятини тасдиқлайди», — деди у.

Қуролсизланиш ва қурол-яроғлар устидан контроль қилиш миллий агентлигининг собиқ директори, ҳозир АҚШ давлат секретарининг қурол-яроғлар устидан контроллик проблемалари билан шуғулланувчи махсус маслаҳатчиси Поль Уорнке олий даражадаги Совет—Америка учрашувининг якунларини юқори баҳолади. У ишонч билдириб айтдики, Венада эришилган аҳдномалар ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш йўлида янада олға силжишга олиб боради.

Кўпчилик американликлар қуролланиш пойгасини тўхтатишга, кескинликни юмшатишга ва Совет Иттифоқи билан дўстликка астойдил интилмоқдалар, дейди қуролсизланиш соҳасидаги машҳур мутахассис, «Америкаликлар — СҚЧ тарафдорлари» ташкилотининг ҳамраиси Т. Хезберг. СҚЧ—2 тўғрисидаги шартнома мамлакатларимизнинг бир-бирини ядро қуроли ёрдамида қириш хавфини тугатиш йўлида қадам-бақадам олға силжишларига кўмак беради.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш — мураккаб проблемадир, албатта. Совет—Америка шартномаси эса тўғри йўлдаги ҳал қилувчи қадам бўлди, бу — бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида сарфланаётган куч-ғайратларнинг муҳим босқичидир, деди Греция бош министри К. Караманлис.

Икки буюк давлат қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида бир битимга келар эканлар, бу нарса бутун ер юзида тинчлик учун жуда яхши ишдир, деди Франция миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. Кув де Мюрвиль. Биз — французлар бу ишларни маъқуллаймиз. Кескинликни юмшатиш сиёсатининг мантиқий давоми бўлмиш СҚЧ—2 тўғрисидаги Совет—Америка шартномаси айни вақтда бу жараённи янада ривожлантиришнинг янги босқичидир.

Норвегия ташқи ишлар министри К. Фрюденлунд шуни уқтирдики, Л. И. Брежнев билан Ж. Картер ўртасидаги учрашуви муҳим воқеа, деб ҳисобламоқ керак. Унинг аҳамияти шундан иборатки, у СҚЧ—2 тўғрисидаги шартнома имзоланишидан ташқари, икки томонлама Совет—Америка муносабатларини ва умуман Шарқ билан Ғарб ўртасидаги марказий проблемаларни муҳокама қилиш имкониятини беради.

Бельгия ташқи ишлар министри А. Симоне ва расмий визит билан Бельгияга келган Финляндия ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен Венада имзоланган шартномани қўллаб-қувватлаб гапирдилар ва мана шу муҳим халқаро ишдан кейин европаликлар ғоят манфаатдор бўлган СҚЧ—3 шартномасини тузиш мақсадида янги музокаралар бошланиши лозимлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

НИКАРАГУА ВАТАНПАРВАРЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ЖАЗОИР. (ТАСС). Миллий озодлик ҳаракатлари вакилларининг Жазоирда биргаликда қабул қилган баёнотида бундай дейилади: миллий озодлик ҳаракатлари Никарагуа халқининг Сандино номли миллий озодлик фронти раҳбарлигида диктатор Сомосага қарши олиб бораётган қаҳрамонларча курашини табриклайдилар ва ўзининг жанговар бирдамлигини изҳор этадилар. Улар АҚШнинг шарманда бўлган Сомоса режимини бошқа қўғирчоқ ҳукумат билан алмаштириш мақсадидаги тадбирларини қоралайдилар. Миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари жаҳондаги барча тараққийпарвар демократик кучларга мурожаат қилиб, фашист режимига қарши курашда Никарагуа ватанпарварларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Г. МАКЛЕННАН НУТҚ СЎЗЛАДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Буюк Британия Компартиясининг Бош секретари Гордон Макленнан Лондон районларидан бири — Илингдаги митингда нутқ сўзлаб, Буюк Британия Коммунистик партиясининг сафларини мустаҳкамлашга чақирди. Консерваторлар ҳукумати Англияда ҳокимият тепасига келиши муносабати билан мамлакатнинг ишчилар ҳаракати коммунистларнинг жипслашувига ҳар қачонгидан ҳам муҳтождир, деб таъкидлади у.

Коммунистик партия меҳнаткашларни консерваторларнинг ишчилар манфаатларига зид сиёсатига қарши курашга сафарбар қила бошлади. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳаракатлари ҳужумкорлик руҳида бўлиши лозим, деди Г. Макленнан.

Буюк Британия Компартиясининг Бош секретари яна бундай деди: мамлакат меҳнаткашлари ҳукуматнинг иш ҳақини яна кўпайтирмасликни жорий этиш тадбирига дучор бўлай деб турибдилар. Инглиз коммунистларининг бу масаладаги позицияси ғоят равшан: нерх-наво тўхтовсиз ўсаётган ва пул тобора қадрсизланиб бораётган бир шароитда ишчилар иш ҳақи оширилишини талаб қилишга тўла ҳақлидирлар.

УГАНДАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Уганда президенти Ю. Луле истеъфога чиққанлигини эълон қилди. У собиқ давлат бошлиғи И. Амин ҳокимиятдан четлатилганидан сўнг шу йилнинг 13 апрелида шу лавозимга тайинланганди.

Уганда миллий-озодлик фронтининг ижроия кенгаши Годфри Бинайсуни мамлакатнинг янги президенти қилиб сайлади. У радио орқали гапириб, жумладан, Уганда «ўзининг танзаниялик иттифоқчилари билан қалин ҳамкорликни давом эттираверади», деди.

Г. Бинайсунинг касби адвокат. 1971 йилги тўнтариш натижасида ағдариб ташланган М. Оботе ҳукуматида юстиция министри лавозимини эгаллаган эди. Кейинги беш йил ичида Нью-Йоркда яшаган.

Президент ҳукуматнинг янги составини эълон қилди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг ёзишича, бу тайинлаш «Оботе тарафдорларини ҳукуматда асосий лавозимларга кўтаради». Ҳозир Оботе Танзанияда турибди. Агентлик Г. Бинайсуни «ғарбпараст арбоб» деб атади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ПАРИЖ. СССР элчихонасида Франциядаги ишчи ва коммунистик ҳаракат ветерани Жорж Коньога Халқлар дўстлиги орденини топшириш тантанали маросими ўтказилди. Жорж Коньо Франция ва СССР халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш соҳасида кўп йил актив иш олиб борганлиги учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлган эди.

✦ ТЕҲРОН. Эрон халқига қарши оғир жиноятлар қилишда айбланган собиқ шоҳ режимининг гумашталарини қатл этиш давом этмоқда. Эрон радиосининг хабар беришича, Казвин ва Шероз шаҳарларида полиция ходимларидан икки киши ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Улар шу йилнинг бошида революцион воқсалар давомида тинч намойишчиларни ўққа тутишда айбланадилар.

✦ БОГОТА. Армия қисмлари Гондурасдаги «Бемисандаль» фабрикасида ўтказилган забастовка қатнашчиларидан ўч олганлиги натижасида тўрт киши ўлдирилди, неча ўнлаб киши жароҳатланди ва 150 дан ортиқ киши зиндонга ташланди. Солдатлар корхона территориясини ишғол қилиш биланоқ, маъмурият иш ташлаган 500 ишчи ишдан бўшатилганлигини эълон қилди. (ТАСС).

КИМ, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

ТОЖ ВА БОЖ

«Эркин дунё» деган ном билан донг чиқарган Ғарбда хилма-хил клубларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, дарозлар клуби, бўйдоқлар клуби, қашандалар клуби, очофатлар клуби. Уларни санаб адоғига етиш ҳам қийин. Бу клублар қандай деб аталишидан қатъи назар фақат бир нарсага — сармоя корчалонлари ҳамёнини тўлдиришга хизмат қилади. «За рубежом» ҳафталигидан олиб босилаётган қуйидаги мақола ҳам ана шундай антиқа клублардан бири ҳақида ҳикоя қилади.

Танланган шахсларгагина мўлжалланган бу клубга аъзо бўлиш учун насл-насаби кибор, ўта миллионер меросхўри бўлиш ёки алоҳида ноёб касб вакилларининг тор доирадаги уюшмасида иштирок этишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Фақат ягона бир шарт—тождан, тахтдан маҳрум этилганлик ва қувғиндаги шоҳ ҳолатини олганлик шартигина бу клубга аъзо бўлиш ҳуқуқини беради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг клуб аъзоларининг сони камаймаяпти, аксинча, кўпайиб боряпти.

Тахтдан ҳайдалган собиқ подшоларнинг севган жойлари Швейцария ва Англиядан ташқари Испания ва Португалия бўлиб қолди. «Тож ва бож» клуби оқсоқолларидан бири — Италия собиқ қироли Умбертонинг қароргоҳи айнан Португалиядадир. 1946 йилги референдумдан сўнг, Италия республикага айлангач, у шу ерда бошпана топган эди. Қиролнинг бутун мол-мулки мусодара қилинган эди, лекин у вақтлироқ отини қамчилаб, Англия суғурта компанияси ҳисобига 20 миллион крон (100 крон — 12,61 сўм) лик пул ўтказиб қўйганди. Унинг ўғилчаси, тахт вориси бўлолмай қолган шаҳзода Виктор Эммануэль эса Швейцарияда биржа даллоли бўлиб қолди. Яқинда Виктор-Эммануэль шубҳали шарафга эга бўлди. У клубнинг янги аъзоси — мамлакатдан қочган ва эндиликда халқ олдида қилган жиноятлари учун ўлимга ҳукм этилган Эрон шоҳининг иқтисодий маслаҳатчиси бўлиб қолди.

Руминиянинг собиқ қироли Михай ҳам рафиқаси — Дания маликаси Анна билан Швейцарияда яшамоқда. Мисрнинг тахтдан ағдарилган қироли Фаруҳнинг ўғли Аҳмад Фауд ҳам шу ерда. 1952 йили мамлакатдан қочаётганда кўплаб олтин ва қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетган бу собиқ шаҳзода ҳозир биржа қиморбози сифатида машҳур.

Қурол-яроғ савдоси билан шуғулланғани учун яқинда Испаниядан қувиб чиқарилган Албаниянинг собиқ қироли Лека I Родезияга ўрнашиб олди. У ўз харажатларини тўлаш учун Испания банкига (унинг бойлиги 170 миллион крон деб баҳоланмоқда) счет юбориб туради. Эллинларнинг собиқ қироли Константиннинг ҳам нолийдиган жойи йўқ. У рафиқаси— Дания маликаси Анна-Мария ва уч боласи билан Лондонда, гофмаршал бошлиқ бир тўда аёнлари даврасида кун кечирмоқда.

Болгариянинг сўнгги подшоси Симеон Мадриддан бошпана топган. У афсонавий бойликка эга бўлган испан маркизасига уйланиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгани учун кўпчилик унинг қувғиндаги подшо эканини ҳам билмайди.

Собиқ «жаноби олийлар» шу тариқа тарихнинг хилват гўшаларида ўз кунларини санаб, клубларига аъзо бўлиш ҳуқуқини олиш учун айрилган тожи эвазига бож тўлашга яна ким келаркин, деб кутиб ўтиришибди...

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАМИЗ

ТЕМИР ЙЎЛНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ёз — айни дам олиш паллаcи. Биз, темирйўлчилар учун эса ўта масъулиятли кунлар бошланди. Чунки, бундай вақтларда дам олувчилар, сайёҳлар кўпаяди. Уларнинг кўпчилиги, албатта, темир йўл хизматидан фойдаланишади. 27 майдан темир йўлда ёзги мавсум бошланди. Йўловчиларнинг истак ва талабларини ҳисобга олган ҳолда, поездлар ҳаракатининг янги графиклари ишлаб чиқилди.

Бу мавсумнинг муҳим янгиликларидан бири Тошкент — Москва тезюрар поезди ҳаракатидаги ўзгариш бўлди. Илгари бу маршрут бўйича қатновчи 5-поезд Ватанимиз пойтахтига 65 соату 5 минутда етиб борар эди. Янги график бўйича 57 соат 5 минутдан кейин Москвада бўлади. Бундан ташқари поезд манзилга кундузи кириб боради. Бу эса йўловчиларнинг бошқа манзилларга етиб олишлари, меҳмонхоналарга жойлашишларига қулайлик туғдиради.

Фақат ёзги дам олиш мавсумида қатнайдиган бир қатор янги рейслар ҳам ташкил этилди. Тошкент — Қозон, Тошкент — Уфа, Тошкент — Харьков, Тошкент— Челябинск каби маршрутлар шулар жумласидандир.

Кейинги пайтларда Тошкент областининг бир қатор районларига электр поездлар қатнови йўлга қўйилганлигидан ҳамшаҳарларимиз мамнун бўлишмоқда. Айни кунларда Янгийўлга 16 та, Чиноэга 6 та, Сирдарёга 6 та, Ховосга 4 та, Хўжакентга 10 та поезд қатнаяпти.

Йўловчиларнинг илтимосларига мувофиқ бундай поездлар ҳаракатини борган сари такомиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Чирчиққа қатнайдиган поездларнинг вагонлари 6 тадан 8 тага етказилди. Кўп бекатларга соябонлар, шийпончалар, билет кассалари қурилди ва қурилаётир.

Яқинда Тошкентдан Хўжакентга «Саломатлик» туристик экспресс электр поездлари қатнай бошлади. Бу поезднинг вагонлари юмшоқ ўриндиқли, буфети бор. Кондиционерлари мунтазам ишлайди. Бундан ташқари манзилга аввалгидай 1 соату 45 минутда эмас, балки бир соату 32 минутда етиб олинади. Яқин кунларда поездлар ҳаракати янада тезлаштирилади. Туристик поездга билетлар фақат туристик бюролар орқали сотилади. Поезд 19 августга қадар хизмат кўрсатади.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Ленин район меҳнаткашлари вакиллари бу поездда Хўжакентга бориб дам олиб қайтишди. Поезд Тошкентдан эрталаб маҳаллий вақт билан соат 8 дан 40 минут ўтганда жўнаб, кечқурун соат 7 дан 35 минут ўтганда қайтиб келади.

Ўзбекистон пойтахтининг дарвозаси бўлган Тошкент темир йўл вокзалининг коллективи Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун бошланган ҳаракатга актив қўшилиб, йўловчиларга яхши хизмат қилишга барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда. Ёзги мавсум бошланиши олдидан етти қаватли 220 ўринли транзит йўловчилар меҳмонхонаси қурилиши тугалланди.

Ўтган йили фақат ўн иккитагина кассада йўловчиларга олдиндан билет сотиларди. Яқинда замонавий жиҳозларга эга бўлган янги кассалар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, эски касса зали ремонт қилиниб, ишга туширилди. Бу ерда шимол йўналишидаги шаҳарларга борадиган йўловчиларга олдиндан билет сотилади.

Шаҳардан ташқарига қатнайдиган электр поездлар вокзали ишга туширилди. Унда олтита автомат касса бор. Яна тўртта ана шундай кассалар монтаж қилиняпти. Вокзал ўзининг катта кутиш залига, буфетига эга.

Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишда Тошкент вокзалининг смена навбатчиси Шомақсуд Акбаров, справка бюроси ходими Соня Гулиева, инженер Владимир Мальков, мастер Гаримжон Мингалиев каби меҳнатсеварлар ҳамкасбларига ибрат кўрсатишмоқда.

Тошкент вокзалининг ҳамма залларида Венгрия Халқ Республикасининг «Визинформ» фирмасида тайёрланган электрон жадваллар ўрнатилган. Буларнинг ҳаммаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдам бермоқда.

Т. ПИРМУҲАМЕДОВ,
Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси пассажир ташиш бўлимининг бошлиғи.

АХБОРОТ

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ДИЛ САТРЛАРИ

Жонажон партиямиз XXV съезди белгилаб берган истиқбол программаси ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «...совет халқи янада яхшироқ, фаровонроқ, бахтлироқ яшасин, биз ўзимизнинг порлоқ манзилимиз — коммунизм сари янада дадил олға бораверайлик, деган мақсадга бўйсундирилган». Халқ сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги доимий ғамхўрлик ҳам ана шу тарихий режа оғишмай амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Замонавий поликлиника ва касалхоналар, санитария-профилактика муассасалари тармоғи йил сайин кенгаймоқда. Тиб илмининг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган шифокорларимиз ажойиб медицина асбоб-ускуналари ва дори-дармонлар ёрдамида касалликнинг олдини олиш ҳамда муолажада янгидан янги ютуқларга эришмоқдалар. Уларнинг олижаноб меҳнати ҳақли равишда халқимиз миннатдорчилигига сабаб бўлмоқда.

МИНГ РАҲМАТ

Ўн йилдан ортиқ бир дард менга ёмон азоб бериб келди. Кўп жойларга мурожаат қилдим, аммо нафи тегмади. Шу йилнинг бошларида Андижон область клиник касалхонасига боришни тавсия этишди. Бахтимга ошқозон-ичак касалликлари бўйича моҳир жарроҳ, профессор Исмоил Ибодов даволайдиган бўлимга жойлаштиришди. Профессорнинг ўзи касаллик тарихи билан обдон танишиб, мен билан узоқ суҳбатлашди. Кейин операцияга тайёрлашди.

И. Ибодов бошчилигидаги операция роппа-роса 46 минут давом этибди. Операциядан яхши чиқдим. Нақадар шодбахтиёр эканлигимни қандай баён этишни ҳам билмайман. Узоқ йиллар менга азоб берган дардимга шифо топиб, ҳаётга, одамлар қаторига, оилам бағрига саломат бўлиб қайтдим. Бунинг учун шифокорларга минг раҳмат!

М. ЮНУСОВ,
Пахтаобод районидаги «Москва» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи.

УМРБОД МИННАТДОРМИЗ

Набирам Маъруфжоннинг юраги туғилганидаёқ заифроқ эдими, ҳарқалай тез-тез безовта бўлиб турарди. Яхши ўсмади. Овқат емай, ҳаммани хуноб қилар, юзлари заъфарон, 5—6 қадам юрмасдан чарчаб қолар эди. Шифокорлар маслаҳати билан беш ёшга тўлганида Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-текшириш институтининг Тошкентдаги филиалига олиб бордик. 9 кундан сўнг уни операция қилишди. Нақадар ҳаяжонланганимизни қўяверинг. Тўрт соатга яқин давом этган операция муваффақиятли чиқди.

Набирам ҳозир тенгқурлари билан ўйнаб-кулиб, ҳовлимизни тўлдириб юрибди. Иштаҳаси ҳам, саломатлиги ҳам яхши. Болаликнинг бахтиёр завқини сурапти. Маъруфжонимизга қувноқ ҳаётни қайтадан инъом этган институт шифокорларидан, шахсан профессор Д. Ғуломов ва даволовчи врач М. Зуфаровлардан чексиз миннатдормиз.

Б. ОРТИҚОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ўзбекистон районидаги Ғаниобод қишлоқ Совети.

ШИФОБАХШ ОРОМГОҲ

Яқинда А. В. Луначарский номли санаторийда даволаниб қайтдим. Оромгоҳнинг шифокор ва ходимлари коммунистик меҳнат коллективи номини беҳуда олмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Сўлим санаторий сояқалкин, гулларга бурканган, озода ва шинам. Ана шу гўзал гўша, ундаги шифокорларнинг хушмуомалалари, замонавий шифо чоралари бир бўлиб хасталиклардан тез халос бўлишга имкон бермоқда.

Ёшим 80 га яқинлашиб қолди. Бу ерга келганимда бир неча касаллик мени қийнамоқда эди. Қон босими ошиб кетган, сурункали полиартрит, иккинчи даражадаги атеросклероз хасталиклари мени тинч қўймасди. 24 кун ичида қон босими мўътадиллашди. Ўзимни бардам сеза бошладим. Бир мен эмас, ҳамхоналарим — Улуғ Ватан уруши инвалидлари ҳам ўз саломатликларини мустаҳкамлаб қайтдилар. Ана шуларнинг номидан ва ўз номимдан шифохона коллективига қалб сўзларимни билдираман.

Г. БУЛГАКОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси дам олиш зонасининг кутубхоначиси.

* * *

Газетхонлардан **Б. Муродов** (Қашқадарё), **Ҳ. Шихов, Ж. Шеров** (Бухоро), **Б. Отажонова, Ў. Турғунова** (Наманган), **Н. Тришкевич** (Сирдарё), **Р. Ҳайитбоева** (Тошкент области), **Х. Иззатиллаев** (Сурхондарё), **Ҳ. Юсупова** (Ўш), **Т. Абдураззоқов, М. Турсунова, Ғ. Абдураҳимов** (Андижон), **М. Алимов** (Чимкент), **А. Холиқулов** (Жиззах) ва бошқалар ҳам мактублар йўллашган.

Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институтининг оқова сувларни тозалаш лабораториясида қизиқарли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Суратларда: (юқорида) лаборатория инженери С. Файрадова оқова сувни анализ қилмоқда. Пастда— техника фанлари кандидатлари катта илмий ходим И. Кагарлицкая билан лаборатория мудири И. Лапатухин текшириш натижаларини муҳокама қилмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

ИЛМ-ФАН ЙЎЛИДА

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Беш йил олиб борилган тадқиқотлар қировардида чаён заҳри молекуласининг тузилиш сири очилди. Айни маҳалда шу оқсил модданинг нерв ҳужайраларига таъсир механизми ҳам аниқланди. Бу ишни Ўзбекистон Фанлар академияси Биохимия институтининг олимлари коллективи СССР Фанлар академияси Биоорганик химия институтининг тадқиқотчилари билан ҳамдўстликда бажарди.

— Чаён заҳрини Бутуниттифоқ «нерв импульси» лойиҳаси доирасида ўрганиб чиқдик,— деди тадқиқот раҳбари, биология фанлари доктори Б. О. Тошмуҳамедов. — Мамлакатимиздаги кўпгина республикалар турли мутахассисликдаги олимларини бирлаштирган бу программа физиологиянинг ҳужайра ўзига келувчи сигнални қай тахлитда қабул қилади, деган фундаментал проблемаларидан бирини аниқлашга қаратилган.

Энди маълум бўлдики, нерв импульсининг механизми жуда майда электрик зарядланган зарралар — натрий ва калий ионларининг ҳужайрадаги мембрана деб аталувчи сиртқи қобиқ орқали ўтиши билан боғлиқ. Чаён заҳри эса мембрана орқали ҳужайрага ўтувчи натрий оқимини анча кучайтиради. Эндиликда шу заҳарнинг тузилиши маълум бўлгач, ундан кўпгина физиологик жараёнларни тадқиқ этишда асбоб сифатида фойдаланиш ҳам мумкин бўлиб қолди.

Ҳозир республика Фанлар академиясининг Биохимия институтида янги бир ишга ўтиляпти. Ана шу йўл билан ари заҳарининг таъсири ва тузилиши тадқиқ этилмоқчи. Олимлар бу модда ҳам нерв импульсларини тадқиқ этиш учун самарали асбоб бўлиб хизмат қилади, деб ҳисобламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.35 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 14-фильм. 11.25 — П. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун мибемоль мажор. 3-концерт 11.45 — Поэзия. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.15 — Ҳамдўстлик. 14.00 — Спортлото. 14.15 — Здоровье. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Сиз бунга қодирсиз 16.20 — Уйин. Бадиий фильм. 17.25 — Ҳайвонот оламида. 18.25 — Камалак. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.00 — Парма ибодатхонаси. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Балли қизлар. 23.55 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Соляник концерти. 00.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Ўзбекистон спорти. 11.25 — Ассалом, Ҳамза! 12.25 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.05 — Ҳунар-техника таълими маданият уйи «Хилола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 14.05 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 14.35 — Театр учрашувлари. 15.35 — Замандас. 16.25 — Эркаклар командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. 1-лига «Политехника» (Тошкент) — «Старт» (Ленинск). 18.20 — Мультфильм. 18.30 — XIII Бутуниттифоқ Пушкин шеърияти байрами. 19.00 — Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 19.30 Ахборот. 19.45 — Ёшларга ҳамма ерда йўл очиқ. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мақом кечаси. 21.30 — Вақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — И. Акбаров, Ж. Жабборов, А. Раҳимов. Йиллар ўтиб. Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри спектакли.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 17.25 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бир жуфт қўшиқ. 9.15 — Ёшлик. 10.25 — Дугоналар. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 12.30 — Иккинчи она тилимиз. 13.00 — Машҳур чорвадор А. И. Чулная изДошлари. 13.30 — Йўл боши да. 14.00 — Мўл ҳосил усталари тажрибасидан. 15.50 — Бизнинг радиопочта. 16.10 — Ж. Жабборов лирикаси. 17.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 18.15 — Идеология ва ҳаёт. 19.45 — Чолғу куйлари. 20.25 — «Гўзал» ансамблининг солисти Г. Отабоева концерти 21.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — Эстрада концерти. Радиокомпозиция. 23.20 — Дам олиш концерти.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

25 ИЮНЬ — 1 ИЮЛЬ

25 ИЮНЬ

ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болалар бадиий коллективларининг концерти. 10.50 — «Дорбоз» (бадиий фильм). 11.55 — Ҳайвонот оламида. 12.55 — РСФСР халқ артисти М. Мордасова куйлайди. 13.40 — Бош рекорд. 13.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — И. Гайдн. Ре мажор сонатаси. 16.35 — Объектив. 17.05 — Сиз яратган боғ. 17.35 — Монголия бўйлаб. 18.00 — Концерт. 18.45 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 19.30 — Орлёнок. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — П. И. Чайковскийнинг Мазепа операси. 21.30 — Вақт. 22.05 — Мазепа операсининг давоми.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 18.20 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.50 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Г. Маҳмудова ва Э. Оллабергановлар концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ноз-неъмат букёдкорлари. 22.25 — Тинч оксанда. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. Волочаевка болалари. 19.05 — Гаровга тикилган ҳаёт. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. Сени кимлигингни биламан. 20.00 — Янгиликлар. 21.30 — Ҳужжатли фильм.

26 ИЮНЬ

СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Орлёнок. 10.40 — Тулпор, қирол ва эркин шамол. 11.45 — Концерт. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 17.05 — Зебрани ўғирлашди. Бадиий фильм. 18.15 — Асл йигитлар. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — Қишлоқ. Ишлар ва муаммолар. 20.10 — Ҳаммамиз аҳил оиламиз. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 15-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Катта ёшдагилар учун контроль иш. 6-кўрсатув. 22.35 — РСФСР халқ артисти Л. Масленникова куйлайди. 23.00 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Бронза қуш. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.35 — Мультфильм. 12.55 — Абитуриентлар учун. Химия. 13.25 — Спорт гимнастикаси. 18.20 — Ўсмирлар учун. 19.00— Фан программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳамза номли Қўқон музикали драма ва комедия театрининг солисти Ҳ. Умарова куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ғўзаларни сифатли парвариш қилайлик. 22.25 — Актёрлар ва роллар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. Мафик ва унинг қувноқ дўстлари. 18.55 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм. 2-серия. Эксельсиор меҳмонхонаси. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тошкент телепрограммаси. 21.50 — Саломатлик бўйича биринчи халқ комиссари.

27 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сиз ёқтирган шеърлар. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — А. Скрябин ва С. Рахманиновнинг фортепьяно асарларини халқаро конкурслар лауреати С. Потапина ижро этади. 11.50 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 15-фильм. 12.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 13.20 — Ҳужжатли фильмлар. 13.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.30 — Ҳайкалтарош Вера Мухина. 16.55 — Шахмат мактаби. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Концерт. 18.30 — Москва комсомолининг ишлари. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Қирқ биринчи. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.35 — Афсоналар оламида.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Бронза қуш. Бадиий фильм. 2-серия. 12.35 — Қувноқ дўстлар. Болалар учун қўғирчоқ фильм. 13.00 — Абитуриентлар учун. Биология. 18.20 — Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.25 — Жаҳон болалари. 18.55 — Буюк ва қудратли. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Рояль олдида суҳбатлар. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик экрани. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — С. Алёшин. Погона. Спектакль премьераси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Бизнинг қўшиқларимиз. Болалар учун фильм-концерт. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм. 3-серия. Мутлақо махфий. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Реклама.

28 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар! 11.05 — Қирқ биринчи. Бадиий фильм. 12.35 — Абхазия Давлат академик хорининг концерти. 13.10 — Адабий ўқишлар. 13.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.20 — Ф. Мендельсон. 1-симфония. 16.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.25 — Болалар учун. Хоҳлочилар ёзилиши мумкин. Бадиий фильм. 18.30 — Горнчилар, қаердасиз! 19.00 — Қувноқ ноталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Уйғониш. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. 23.35 — Концерт. 00.01 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Бронза қуш. Бадиий фильм. 3-серия. 12.35 — Абитуриентлар учун. 13.05 — Фалокат сирлари. Тошкент қўғирчоқ театрининг спектакли. 18.20 — Ёшлар цирки. Болалар учун фильм-концерт. 18.45 — Ёшлик. 19.15 — Қишлоқ ҳаёти. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Аҳмедова ва солист О. Отажонов концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Солдат отаси. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. 18.55 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм. 4-серия. Роза кафеси.

29 ИЮНЬ

ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.50 — Уйғониш. Бадиий фильм. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 13.10 — СССР Давлат академик Большой театрининг солисти Г. Калинина концерти. 13.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.35 — Рус тили. 17.05 — Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Зокиров куйлайди. 17.20 — Москва ва москваликлар. 17.50 — Ёш спортчиларнинг катта майдони. 18.20 — Беш йиллик — ёшлигим менинг. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман! 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон. Ер. Коинот. 20.15 — Давлат Шимол рус халқ хорининг концерти. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 16-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Оқ тунлар санъат фестивали. 23.50 — Илмий-оммабоп фильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Светофор. 12.30 — Енгил атлетика. СССР кубоги учун зонал мусобақалар. 13.10 — Юмор телевизион театри. А. Несин, Ф. Исмоил. Белинг бақувватми? 18.20 — Рига ҳайвонот боғида. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ижодхонасида. П. Қодиров. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ғўза парваришчи илғорларига тенглашайлик. 22.25 — Қасос куни. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Болалар учун фильм. Биринчи йўл. 19.05 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм. 5-серия. Сўнгги имконият. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тошкент телепрограммаси. 21.50 — Ҳужжатли фильм.

30 ИЮНЬ

ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Моҳир қўллар. 10.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.00 — Халқаро конкурс лауреати А. Совидэв чалади (фортепьяно). 11.15 — Улуғ Ватан уруши Киноэпопея. 16-фильм. 12.05— Сизни қизиқтирган китоблар. 12.50 — Тонгги почта. 13.20 — Эртага — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. 13.30 — Капитан. Бадиий фильм. 14.00 — Спортлото. 14.15 — Здоровье. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 Камалак. 15.35 —Бугун—Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар куни. 16.05 — Табрикларимизни қабул этинг. 16.50 —Илтимосларингизга биноан учрашувлар. Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов Красноярск ўлкаси геологларининг саволларига жавоб беради. 17.50 — Ҳайвонот оламида. 18.50 — Магнитогорск металлургия комбинатининг 50 йиллигига. 19.20 — Концерт. 20.20 — Кузги воқеа. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Золотой Орфей эстрада қўшиқлари XV Халқаро фестивали лауреатларининг концерти. 23.35 —Ҳужжатли фильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 10.00 Янгиликлар. 10.10 —«Марҳабо» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 11.05 — Ўзбекистон спорти. 11.35 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.05 — Олтин калитча. Бадиий фильм. 13.20— Жанговар постда. 13.50 — Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 14.20 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.10 — До-ре-ми-фа-соль. 18.40 — Меҳнат ижодга айланганда. 19.00 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 18.30 — Ахборот. 19.45 — Юмор. Телевизион театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Парвоз эт, қўшиғим! 21.30 — Вақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Авлодлар. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 17.50 — Душанба кўрсатувлари.

1 ИЮЛЬ

ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 9. 00 — Вақт. 9.40 — Зарядкага сафланинг! 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Мультфильм. 12.30 — Музикали киоск. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Театр спектакли. 16.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.05 — Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. 17.35—Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.10 — Буюк китоб боблари. 20.10 — Кузги воқеа. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Музыкальная жизнь. 23.05 — Ҳужжатли фильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 10.10 — 8+1 эстрада программаси. 11.05 — Кинопублицист экрани. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Уддабурон Берендеев. Бадиий фильм. 14.05 — Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига. Океан. 14.35 — Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади. 18.20 — Мультфильм. 19.00 — Ўйлаб топ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — В. Розов Ноёб одам, телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гул фаслидир. Ф. Баратова ва И. Маликов иштирокида концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. 22.25 — Авлодлар. Бадиий фильм. 2-серия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РЕКЛАМА

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/VI да **Севги ҳақида афсона** (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VI да **Персона**, 24/VI **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Ғариблар** (19.30).

●

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИКОРЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: шоликорликни механизациялаш (2 ўрин);

катта ва кичик илмий ходимлар: ўсимликларни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш (биометод).

КОНКУРС МУДДАТИ— 8 июлгача.

Мурожаат учун адрес: 702310, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райони, Авангард алоқа бўлими.

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

1979—80 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

фортепьяно, оркестр асбоблари (торли ва духовой), музикашунослик, хор дирижёрлиги, вокал (ашула), халқ чолғу асбоблари ихтисослари бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КОНСЕРВАТОРИЯГА 35 ЁШГАЧА БЎЛГАН 11 ЙИЛЛИК МУЗИКА МАКТАБИ ВА МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Вокал (ашула) факультети қошида тайёрлов бўлими мавжуд. Бу бўлимга ўрта мактабни тамомлаган истеъдодли маҳаллий миллат йигит-қизлари қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР — 5 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Консультациялар — 25 июндан 5 июлгача, қабул имтиҳонлари — 6 июлдан 25 июлгача ўтказилади.

Қабул имтиҳонлари СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг қабул қоидаларига биноан ўтказилади.

КОНСЕРВАТОРИЯ ҚОШИДА АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ДОИМИЙ КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

Ариза директор номига ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), соғлиғи ҳақида справка (286-форма), ишлаган ва ўқиган жойидан характеристика (1979 йилда музика билим юртини битирганлар учун).

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан тақдим этилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй. Қабул комиссияси. Телефонлар: 33-52-74, 33-82-06, 33-55-68.

●

46-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Автоматик шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланувчи

46-АТС АБОНЕНТЛАРИ 23 июндан бошлаб

ЎЗ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИНИ ТЕРИШЛАРИ КЕРАК ЭМАС, ЧУНКИ У «8» РАҚАМИ ТЕРИЛГАНДАН СЎНГ АВТОМАТИК РАВИШДА АНИҚЛАНАДИ.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

●

ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА

бош бухгалтер ва қурувчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Калинин район, Жарариқ алоқа бўлими (34, 64, 87-автобусларнинг «Ипакчилик институти» бекати).

Тошкент давлат университетининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, математика ҳамда амалий математика ва механика факультетларининг коллективи математика факультетининг декани, физика-математика фанлари доктори, профессор Ж. Ҳожиевга отаси

Ҳожи ХОЛМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси коллективи контроль-ревизия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З. Н. Нуриддиновга укаси

Нажмиддин ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55 32-55-05, секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26 фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53, 32-53-18 32-53-20, 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22 коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42 ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02060. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 142.